


27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини



ОЛТИН ҚАЛАМ СОҲИБИ

Унинг ҳаётда дўстлари жуда кўп. Катта, кичик, узоқ, яқин... Лекин ҳеч бири қалам сингари унга доимий ҳамроҳ бўлиб, қувончу гапларига бирдек шерик бўлолмади. Ижод қилишни ният қилиб, биринчи бор қўлига қалам ушлаган ўн тўрт ёшида ўзига бир умрлик ҳамроҳ топганини, умр йўлидаги бу йўлдоши бор-бора оддий қаламдан олтин қаламга айланишини тасаввурига ҳам сиғиролмасди.

Ҳап 2008 йил халқроқ "Олтин қалам" мукофоти соҳиби. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист", "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" вилоят газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов ҳақида кетмоқда. Жаҳонгир ака Қизилтепаннинг Тошработ қишлоғида тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Холмурод ака оиласида камолга етди. Китобга, адабиётга, ижодга бўлган қизиқиши отанинг оиладаги пурмаъно сўзлари, мактабдаги жонли сабоқлари таъсирида унинг кўнги, жонига синган бўлса ажаб эмас.

1975 йилда ТошДуниги журналистика факультетини битиргач Жаҳонгир Исмоилов Бухоро давлат университетини "Илғор фан учун" газетасида иш фаолиятини бошлади. Шу ерда, талаба қизлар орасида Сора Тошевани учратди, улар турмуш қуришди.

Орадан кўп ўтмай ижод аҳли орасида анча танилиб қолган ёш қаламкаши "Бухоро ҳақиқати" вилоят газетасига ишга таклиф қилишди. Энди уни Бухорода катта худуднинг гоҳ чорвадорлари, гоҳ деҳқону боғбонлари, гоҳ саноат, транспорт корхоналари ишчилари ҳузурда кўриш мумкин эди. Халқ билан мулоқотлар самараси ўлароқ замон қаҳрамонлари ҳаётидан олиб ёзилган очерк, публицистик мақола, лавҳа ва хабар-

лар газета саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. У журналистика билан бир қаторда бадий ижод учун ҳам вақт топарди. Жаҳонгир Исмоиловнинг турли жанр ва ўлчамдаги ўнга яқин китоби, "Хуррият", "Адабиёт ва санъат", "Ёшлик" журналларида босилган мақола, памфлет, ҳикоя ва шеърлари ижодкор қозонининг қайнови анча баланд эканидан нишонандир.

1986 йилда вилоятда "Бухоро муаллими" газетасининг илк сони чиқди. Газета ташкилотчиси ва муҳаррири тахрибали журналист Жаҳонгир Исмоилов эди. Муҳаррир атрофига ўз касбининг усталари — педагоглардан иборат ижодий жамоани тўплашга аҳд қилиб, кадр танлашга киришди. Ижод олами билан анчадан бери ошно, қолаверса, Жаҳонгир ака ёзганларининг биринчи ўқувчиси Сора Тошева шу тариқа тахририят жамоасидан ўрин топди. 2003 йилда Жаҳонгир Исмоилов "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталарига бош муҳаррир этиб тайинлангач, Сора опа "Бухоро муаллими"га муҳаррирлик қила бошлади.

— Жаҳонгир ака ҳаётда кўп машаққатлар кўрган инсон, — дейди Сора опа турмуш ўртоғи ҳақида. — Кўшни вилоятнинг узоқ қишлоғидан келиб Бухородай шаҳри азиямда кўним топиши жуда мушкул бўлган. Ижара уй излаб эшикма-эшик юрганларимиз, топганларимизни у ойдан бу ойга етказолмай тийинма-тийин ҳисоблаб, тежаб-тергаганларимиз... Лекин ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўта камтар, меҳр-оқибатга содиқ қолган инсон улар. Уйимизда егулик ҳеч нарса қолмаган кунларда ҳам сўнгги пулларига "онамдан хабар олиб қайтай", деб бо-

зор-ўнар қилиб, ҳар ҳафта Тошработга боришни қанда қилмасдилар. Нимагаки эришган бўлсалар ўз кучлари, билимларига таянган ҳолда эришганлар. Бир қиз, икки ўғлимизга ҳам шу тахлит тарбия беришга ҳаракат қилдилар. Урингул — муаллима, Жамшид — тадбиркор, кенжа ўғлимиз Жасур — меҳнат ва аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш вазирлигида ишлаб, ота орзусини рўёбга чиқармоқдалар.

Муҳир қаламкаш ўзига қанчадир талабчан бўлса кўл остида ишловчилар, айниқса ёшларга жуда талабчан. — Бу даргоҳ Файзулла Хўжаев, Фитрат, Қўлпон сингари алломпалар ишлаган муқаддас макон, — дейди у ҳар йилда ёшларга қарата. — Сиз ана шундай табаррук инсонлар аъёнларининг содиқ давомчилари бўлишингиз керак. Бугун жамоа сафида қалам тебратаетган Учқун Тожиев, Акбар Рустамов, шунигингдек, Наргиза Очилова, Салима Каримова каби ёшларни тахририятга жалб қилиш, касб малакаларини оширишда Жаҳонгир аканинг хизматлари катта. У Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Бухоро вилоят бўлими раиси сифатида жамоатчилик фаолиятини олиб бормоқда ҳамда вилоят қалам аҳли бошини қовуштириш, уларнинг долзарб мавзуларни матбуот саҳифаларига олиб чиқишлари йўлида ташкилотчилик кўрсатмоқда.

Жаҳонгир Исмоилов ҳаёти саҳифаларини варақлар экансиз, умри беҳуда ўтмаётгани, элу юрт олдида юзи ёруғ инсонлардан бири эканига ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, бундан ортққ олий мукофот борми инсон учун?

Зухра ҚУРБОНОВА,
Бухоро вилояти.

“ЧИРОҚ КЎТАРГАН

АЁЛ”
си, бир пайтлар Хоразмда Мадрий таҳаллуси билан ижод қилган Искандар Қаландаровдан ўтган бўлса ажабмас. Изланувчан тадқиқотчи қатагон йилларининг жабрини тортган, Германияда таҳсил олган биринчи ўзбек журналисти Марям Султонмуродова ҳақида "Хоразмнинг ёруғ юлдузи" очеркини ёзди. Марямхонни билган, таниган, кўрган инсонларни излаб Тошкент, Хоразм йўлларига кезишдан чарчамади. Адибанинг "Умр йўлларида" номли ҳужжатли қиссаси Марям Султонмуродова фидойий инсон, жафокаш она эканини халққа намойиш этди. Шу йўналишдаги ижодий фаолияти учун у 1995 йили "Олтин мерос" жағмармаси Хоразм вилоят бўлимининг совриндори бўлди. Куюнчак ижодкор бугун ўзи ташкил этган "Тўмарис издошлари" журналист аёллар клуби масъулияти чекланган жамиятга расиллик қилмоқда. "Ёшлар йили" муносабати билан вилоятдаги истеъдодли ёшларни излаб топилган "Маҳорат мактаби"ни ҳам ташкил этди. Ёш муҳбир-

лар, шоирлар, дизайнерлар, ҳуқуқшунослар, ўлкашунос тарихчилар билан машғулотлар ўтказиб, тахрибали устоз сифатида уларга ўз билим ва тахрибасини ўргатмоқда.

Ижодкор учун оилавий муҳитнинг аҳамияти катта. Турмуш ўртоғи Комилжон билан биргаликда қизи Насибохонни меҳр билан катта қилиштипти. Матбуот байрами арафасида куюнчак журналистнинг хоразмлик хотин-қизларга бағишланган "Тўмарис авлодлари" номли энциклопедияси китобхоналарга тақдим этилди.

Шарқия Эшжонованинг ёзган асарлари ичида "Чироқ кўтарган аёл" эссесини учратамиз. Хўш, чироқ кўтарган аёллар кимлар? Момо Ҳаво, Анбар она, Биби Робия, Биби Фотима, Бибиҳоним, Бижажон отин... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Шарқияхоним бажарган хайрли, эзгу ишларни кузата туриб, унинг ўзини ҳам чироқ кўтарган аёллар сирасига қўшса бўлади, деган гап ўтди кўнглимиздан.

Дилором ҚОДИР ҚИЗИ



Муборак газ конлари унитар шўба корхонаси тасарруфидаги "Ёш алангачи" оромгоҳи ҳар босқичда 583 болани ўз бағрига олишга мўлжалланган. — Мавсум олдида оромгоҳда таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилди, — дейди раҳбар Хайдар Қаландаров. — Замонавий ётоқхоналар, чўмилиш ҳавзаси, ўйин майдончаси болажонлар ихтиёрида. Ўтказилаётган маънавий-маъ-

рифий тадбирлар болажонларга ниҳоятда манзур бўлаяпти.

Шоира Авлоқулова, Хиёла Зокирова, Рустам Ниёзов, Умид Раҳимов сингари етакчи ва тарбиячилардан иборат оромгоҳ жамоаси келажакимиз эгаларининг мароқли хордиқ олишлари учун сидқидилдан меҳнат қиляптилар.

Шавкат СУЛТОН,
Қашқадарё вилояти.

Газетхон газета ва ҳаёт ҳақида

ҚАДРДОНИМГА МАКТУБ

Менинг севимли газетам - овуначоим "Оила ва жамият", мустақиллик билан тенгдош газетам, оз бўлса-да ёзган мақолаларимни чоп этиб келаётган газетам - сендан бир умрга миннатдорман!

Менинг олийжаноб газетам! 1995 йили иш юзасидан ҳўжалик идорасига киргандим, экономист кизим Одинахоннинг столи устида турган экансан. Қизимдан сени сўрадим, «Олаверинг хола», деди. Уша кундан бошлаб сени сотувдан олиб ўқиб юрдим. Сенда жуда ажойиб, мазмунли маслаҳатларга бой мақолалар босилар экан. Сендаги мақолаларни ўқиб, ёшларга гапириб бераман. Уларнинг ҳаваслари келади. Айниқса, тўйлар, ортиқча чиқимлар ҳақида сўзлайман. Оз бўлса-да, сен туфайли маросимлар иччамлашди.

Мақтаниш эмас-у, ўзим 37 йил хотин-кизлар қўмитаси фаоли, 27 йил Ўзбекистон тумани, Овчи фуқаролар йигини депутати бўлиб жамоат ишларида фаол қатнашдим. Депутатлик даврида ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш доимий комиссияси аъзоси эдим. Жанжаллашиб қолган ёш оилаларни туман судига чақириб, яраштириб қўярдим. Ҳозир уша оилалар куёвли, келинли, набирали бўлишди. Улар мени албатта ўтказадиган маросимларига таклиф қилишади. Раҳматлар айтишади. Шу эшитган бир оғиз раҳматим ҳам сен туфайли эмасми, газетам?! Бундан ортиқ бахт борми, дунёда!

Мен ҳамон "Оила ва жамият" газетамни ўқиб, билмаганларимни ўрганиб бораман. Куни кеча маҳалламизда онаси билан ўғли, келини уришиб қолишган экан. Онаси ўғлининг киз чиқариш тўйига бормади. Келин айтиб келса-да, келмади. Мен ҳозир бу ўғил, келин ва қайнонани яраштириб қўйиш учун ҳаракат қилаяман. Албатта яраштираман. Ахир бу биз қариялар ўши эмасми? Биз қариялар ёш оилаларга бефарқ бўлмайлик. Сен бу ҳақда саҳифангга кўп мақолалар чоп этасан, газетам!

Ҳозир ёшим 85 да бўлса-да,

кўча-қўйда, маросимларда албатта сен "Оила ва жамият" газетасини ёнимда олиб юраман. Менга сирдош, ёрдамчи газетам! Кўпчилик эркаклар-у, ёш оила аъзолари уйимизга келиб, сени олиб ўқишади ва яхши газета экан, деб раҳматлар айтишади. Айниқса, сенинг 15-16 бетдаги дори-дармонлар ҳақидаги маслаҳатларинг, уй тутишга доир мақолаларинг инсонларга жуда катта ёрдам бераёпти. Бу ҳам сени бағри кенглиги эмасми, газетам! Сен туфайли мен Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридан қизим Бувижонни топдим. Бу ҳақда газетанинг 21-сонида Б.Раҳиманинг "Одамайлик бор бўлсин!" сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Икки қизим 3 та, 5 та фарзандим 6 та бўлди. Бу ҳам сен туфайли, азиз газетам!

Қизим Бувижон ажойиб аёл экан. У кишини кўриб, бағрим тўлди. Хонадонимга бир неча марта меҳмон бўлиб келди, она-боладек сўхбатлашиб ётдик. Оила аъзоларимга ҳам ёқиб қолди. Мазаза қилдик. Мен мақтанишини ёқтирмасдим-у, лекин фарзандлари, оналари, қайноналари ҳақида ёзишса ҳавасим келарди. Мана менинг ҳам ёзувчи кизим бор экан. Сенинг саҳифангга мен ҳақимда яхши гапларни ёзибди. Хурсанд бўлиб кетиб, кўзимга ёш олдим.

Газетам! Қизим кетгандан кейин унга хат ёздим. Бироқ хатим қайтиб келди. Кейин жавоб ололмадим. Хурматли газетам! Бувижон қизим ўшуб хатимни ўқисалар, хат ёзиб туришларини, иложи бўлса, яна меҳмон бўлиб келишини истардим.

Мен ҳар йили икки бўлиб 6 ойдан сенга обуна бўламан. Мана, иккинчи яримга ҳам обуна бўлдим. Мен газета ижодкорлари ва муҳлисларини ҳам газетанинг матбуот байрами билан табриқлайман. Салом ва ҳурмат билан сенинг чин муҳлисинг,

Паттихон САМАДОВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани,
"Соҳибкор" ш.х.

лайман. Мадрасада талабаларга сабоқ берган мударрислар меҳнатини қалбимда ҳис этаман. Инсоният илм олишни бошлагандан буён ўқитишнинг турли усулларини излаб топишган. Бунинг ўзи бўлмаган, албатта. Чунки илм фақат меҳнат эмас, балки изланувчанлик, тарбия ўчоғи ҳамдир. Илми шарҳ, илми таҳлил, илми мунозара, илми қироат, воизлик санъати каби бир қанча услубий фанларнинг майдонга келишида мударрисларнинг меҳнати катта бўлган. Мазкур услублар талабаларнинг маънавий оламини бойитиш,

ди-да. Мавриди келиб қолар... деган эдилар. Устоз кутган кунлар келди. Мустақиллик - ўтмишимизнинг маънавият чашмаларидан бахраманд бўлиш, хотирлаш имконини берди. Шарқона ўқитиш усулларига оид янги дарслик ва мажмуалар яратилди. Уларда ўзбек адабиёти тарихи, уйғониш даври адабиётини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Аммо уларнинг барчасида ҳам ўқувчи танланган матнни кенг тушуниш имконига эга эмас. Муаммоларга барҳам бериш мақсадида академик олим, марҳум Ботурхон Вали-



ИЛМ — ТАРБИЯ
ДЕМАКДИР

Сўхбатдошим — Самарқанд Давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди Маҳкамой Турсуновани талабалар даврасида учратдим.

- Сиз талабаларнинг яқин дўсти, сирдоши ҳам экансиз-да? - дейман уларга.

- Талабаларимиз асосан вилоятлардан. Яқинда ота-оналари бағридан келишган. Уиларини тез-тез соғинади. Яна талабалар муҳаббат ёшида эмасми, 18 минг савдо бошида. Буларнинг бари ўқиши, кайфияти, соғлиғига таъсир қилмай қолмайди. Шундай дамда уларни эшитадиган одам керак бўлади. Менга ўз синрини ишониб айтдим, демак ёрдам, маслаҳат беришим керак. Ахир ўзимиз ҳам бир вақтлар уларнинг ёшида бўлганмиз-ку, - дейди Маҳкамой опа.

Маҳкамой Турсунова талабаларга опадай меҳрибон. Айрим талабалар уйига кетишга пул тополмаса шу домладан қара сўрайди. Тўғри маслаҳати туғилажак муаммолар олдини олади. Шунинг баробарида у талабчан, билими кенг устозлардан.

- Сиз узоқ йиллардан буён ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш усулларига доир муаммолар устида иш олиб бораёпсиз. Дастлаб шу соҳага бўлган қизиқишингиз ҳақида гапирсангиз.

- Ҳар гал Регистон майдонини айланганимда мозийнинг сирли оламини ҳаёлимда тик-



шарқона илм тафаккурини кўтаришга қўл келган. Мударрисларнинг мураккаб матндаги асарларга шарҳлар ёзиши, дарслик ва қўлланмаларни яратиши услубшунослик мактабининг вужудга келишига асос бўлди.

- Асрлар мобайнида мозийда қолиб кетган бу ўқитиш усулларини ҳаётга қайтариш пайти келмадимикин?

- Бир сўхбатда устозим, услубшунослик фанининг катта билимдони Субутўй Долимов: "Болам, одам боласининг феълига тушунмайман. Юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг номларини бир-бир санаб фахрланишни билишади. Аммо уларга илм берган, алломаликнинг катта йўлига олиб чиққан устозлар ҳақида ҳеч ким гапирмайди. Боболаримиздан қолган ўқитиш усуллари бебаҳо эканини мен ҳам биламан. Аммо бу гапларни ҳозир айтиб бўлмай-

хўжаев "Самарқандда олий таълим мадрасаси олия - университет тарихидан лавҳалар" номли рисоласини ёзди. Уларнинг раҳбарлигида "Мадрасалар таълимида адабиёт ўқитиш усуллари тарихи" мавзусида тадқиқот ишларини олиб бордим. Туркия, Эрон давлатларида бўлиб конференцияларда иштирок этдим. Изланишларим натижасини эълон қилдим. С. Аҳмедов, Р. Қўқоровлар билан биргаликда 2005 йили "6 синф адабиёт дарслиги учун услубий қўлланма"сини яратдик.

Болалигида Эски Жомбой қишлоғидан шаҳарга тушганда Регистоннинг нилги гўмбазлари-га ҳайрат билан тикилган, сирли мадрасалари ҳаёлини ўғирлаган киз бир кун келиб олий таълим тизимида ўзига хос мактаб яратади, деса балки ҳеч ким ишонмаган бўларди. Бугун бу ҳақиқатга айланди. Миллий таълим ва шарқона ўқитиш усулида ўзига хос мактаб яратган, 70 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи Маҳкамой Турсунова августда ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлайди. Олима ҳаётига мақолалари маъно берган бўлса, умр гулшанига қизи Шахлоой файз бағишлаб турибди. Илоҳим, захматкаш олимадаги бу икки эзгулининг умри узун бўлсин.
Д. ИСМОИЛОВА

ШУКРОНАЛИК

гўё тунов кунги воқеадек аниқ-тиник эслаб, оҳори тўқилмаган тасаввур таассуротлар билан ҳикоя қилади.

Уша куни оқшомгача қиргинбарот отишма бўлди. Душмanning бир неча ҳамласи қайтарилди. "Оқолда еярман", деган ўйда икки бўлак қок нонни чўнтагига солиб олган аскарни қаттиқ чарчоқ элтиб, бир муддат пинакка кетди. Офат асли гафлат пайти келаркан. Бир пайт чунонам кучли портлаш рўй бердики, ер титраб, осмон кулаб тушгандек бўлди. Яқин атрофдаги оқоп ичидан кимнингдир фарёди эшитилди. Гўё атай қилгандек, "миссершмит"лар ёғдирган бомбалардан бири у жойлашган оқоп ёнига тушиб портлади. Бир уюм тупроқ остида қолиб кетган Рўзибойнинг жасадини бехуш ҳолда санитарлар қазиб олиб, замбилда дала госпиталига олиб боришди. Иссиғида билинмаган экан, мускуллари титилиб кетган, қават-қават доқа билан чандиб боғланган чап оёғи кечалари қаттиқ оғриқ берар, аскар йигитга тиқилинч госпитал ичида аҳоли уникидан-да бешбаттар қисматдошларининг бор-



лиги таскин бўларди, холос. Шундай қилиб, Ленинград остоналарида каттиқ яраланган оддий аскар Рўзи Ибодовга Ватанига қайтиб бутунлай соғайиб келиши учун вақтинчалик таътил берилди. Ушанда 1943 йилнинг кўклами эди. Қишлоғига қайтган йигит очу юпун ҳолда қишлоқдан чиқол-

май, кўкламга етмай юзлаб ҳамқишлоқларининг бевақт ўлиб кетганини билди. Юрт тупроғига юзини босганча ўқисиб-ўқисиб йиғлади.

Рўзи бобо яна ҳикоя қилади:

- Урушдан омон-эсон қайтдим. Уйланиб ўзимдан қўпайдим. Уруш даврида одамлар бир-бирига оқибатли эдилар. Ана шу меҳр ришталарини ҳар қанча очлиги йўқлик, қаҳатчилик уза олган эмас. Диёнатли, мўмин одамлар бир-бирининг ҳаққига хиёнат қилишмасди. Ўн икки фарзанд, 77 невара, 48 невара-ю, эваралар кўрдим. Болаларим ўзидан тинган. Туну кун ёшларга узоқ умр, тавфиқ сўраб, Яратганга илтижо қиламан. Йигирма беш миллионли буюк халқнинг бошини бирлаштириб, тотуликда бошқариб келаётган юртбошимизнинг ҳаққига дуода бўламан. Ҳамиша ёдда тутинг, болам. Ризқ сўраб дуо қилганда "аввал элимга бер", деб сўранг. Элда бўлмаса, бир ўзингизда бўлгани бекор. Бундай давру даврон ҳеч замонада бўлган эмас. "Ҳамма нарса давлатники!", деган сирёсат билан бисотимиздаги сўнги мисқол бугдойни ҳам тортиб олганларини эсласан, юрт озодлиғига то ўлгунча шукрона айтгим келади...

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

- Ота-онадан беш ўғилу уч қиз - жами саккиз фарзанд эдик. Осмон йирок, ер қаттиқ бўлган бир замонлар эди, - дея гап бошлади Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Чигатой қишлоғилик Рўзи бобо Ибодов. - Зўрға бешинчи синфни тамомлай олдим. Рўзгор юқини елкамга ортиб, қолхозда ишладим. Амалтақал кун кечирадиган оғир паллар эди. Бунинг устига умрингда эшитмаган, номига тил келишмайдиган фашист деган душман уруш очибди, деб эшитдик. Биз уч ака-ука бир пайтининг ўзида фронтга сафарбар этилдик. Бозор акам яқиндагина уйланган, уйимиздан чимилдикнинг ифори ҳам кетмаганди. Ҳаммаси уруш деган балоибаднинг касрига қурбон бўлди. Иккинчи акам Турсунпўлат ва мен бўйдоқ эдик. Бир қақшатқич, қиргинбарот жанглар бўлди, нимасини айтмай, болажон... Бободаги нурунийлик, соддалик ва бироз чапани феъл уни бир кам тўқсон яшар чол эканини инкор этаётгандек, гўё. Оппоқ соқол-у, бомба парчалари илма-тешик қилган оқсоқ оёқларни демаса, кўз темгагур чол ҳали ўзини бир йигитнинг шашту шиддати бордек тутайди. Гурунглари ҳам ўктам. 1941-1950 йилларда кўрган-кечирганларини

ЁШЛАРНИ ЖУФТЛАШ - ИНСОНИЙ БУРЧ

Биз ўбекларда ҳам қадим-қадимдан, ҳозир эса аксарият ҳолларда қизга куёвни, йигитга келинни (беваларга беваларни ҳам, албатта) кимлардир топади, дарак солади, ўртада туради, охир-оқибат, тўй-томошалар билан икки ёш қовушиб мустақил турмуш куради. Жуда яхши! Бахтли бўлишин улар, илоё... Лекин шу келин-куёвлар ўртада турганларни, улар эркак киши бўладиларми, аёл киши бўладиларми ҳеч қачон унутиб юбормасинлар. Уларнинг хизмати бағоят улуг, бағоят савоб! Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз ҳам, бундайроқ фикр қилиб кўрсангиз ҳам ҳақиқатан улар иккита ёшнинг жуфтлик ҳаётига сабабчи бўладилар. Аммо баъзан улар икки ёшнинг ҳаётига зомин бўлиб қолганлар ҳам истисно эмас. Бу жиҳатдан уларда масъулият ниҳоятда катта! Бинобарин, жуфтлар турмуши кўнгилсизликлар билан тугаса ёки уриш-жанжаллар билан давом этса, тўғридан-тўғри гап ўртада турганларга - келин-куёвни топганларга келиб тегади ва шу келин-куёвлар улар хотирасида умрбод сақланиб қоладилар. Ҳаётда бунга мисоллар талайгина. Ёшлар турмуши бахт-саодатли бўлиб, яшнаб кетса, ўртада турганларга бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам ажр-савоби бор. Келин-куёвлар, ота-оналар, қуда-андалар улар хизматини ҳеч қачон унутмайдилар. Ўзини билганлар улардан ҳаммиша миннатдор бўлиб юрадилар. Бироқ ўртада ким турган, ким топганлигини билмайдиган келин-куёвлар ҳам бўлади. Йўқ, уларни сўраб билиб қўйган яхши.

Биз айтмоқчи бўлаётган яна битта гап: мабодоки, келин-куёв ёхуд қуда-андалар ўртасида хунук гап, чиқиб қолгудек бўлса, ўртада турган, дарак солган, таништирган кишиларни юз-хотир қилишни, уларнинг кўнгилни оғритиб қўймаслиқни унутмаслик керак. Қандай бўлмасин, гап бориб-бориб уларга тегиши, уларни қаттиқ ранжитиб қўйиши мумкинлигини эсда сақлаш лозим. Шундоқ ҳам келин-куёв, қуда-андалар ўртасида нохушиликлар юзага келгудай бўлса, ўртада турган, дарак берган шу шўринг қургурлар хижолат тортадилар, диллари вайрон бўлади, пушаймон ейдилар. "Шу кизни ёки шу куёвни топмай мен ўлай", деб афсус-надоматлар чекканларни эшитганимиз бор. Шундай бўлган, келин-куёвлар бўладими, қуда-андалар бўладими кимда-ким "сан-ман-на" боргудай бўлсалар, доимо ўртада турганларнинг иззат-нафсини ўйлаб қўйсинлар. Оила тинч-тотув бўлганда уларни унутиб юбориб, ғалва чиққанда эслаб, улар шаънига нохуш гаплар гапириш, ҳатто лаянатлар айтиб юбориш каби номқбул ишлар бўлмасин.

Бир йили бир аёлнинг эрига қарата (бола-чақали, ували-жували бўлиб кетганларига қарамай), "Мени сизга тўрилай эрга берган "фалончилар"-дан розимасман. Улар ўртага тушмаганларида мен сизга ўлақолсам ҳам тегмас эдим", - деб хархаша қилаётганини фавқулодда эшитиб қолганман. Бу нимани кўрсатади? Бу 5-10-30 йиллардан кейин ҳам келин билан куёв ўртасига тушиб, уларнинг турмуш қуришларига сабаб бўлганлар масъулиятдан ҳеч қачон қутулмасликларини кўрсатади. Кўринадики, ёшларни топиштириш, бир-бирига мослаштиришга раҳнамолик қилишнинг ўзи бўлмайди. Келин-куёв бахт-саодатли, ували-жували бўлиб кетишса, ҳай-ҳай савоб топишади, хайри иш қилишган бўлади. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Ким яхши - ўртада турганлар яхши! Борди-ю, бирор сабаб билан (ўз-ўзидан ўтганини ўзалари тан олмай) турмушлари ўхшамай қолса, ким айбдор? Уларнинг бирига бирини топган, ўртада турган одам айбдор. Ҳатто анча ёшга етганлар ҳам жуда бўлмаганда: "Фалончи ўртада турган эди", деган хаёлни миляридан ўтказиб қўядилар. Йўқ, бу - нотўғри. "Фалончилар" ўртада турмаса, ёшларга оила қуришда ким мураббийлик қилади? Бизнинг ҳаёт тарзида ўзи шунақа бўлса... "Ўртада турма, эсинг кетади", деган нақлни нарига суриб қўйлик. Бу гапни нечун айтаялман? Шунинг учунки, кўпчилик билади - ўзимиз ҳам гувоҳ бўлганмиз - бўлажак келин билан куёв ўртасига ёки қуда-андалар орасига тушишни ҳар ким ҳам эқтиравермайди. "Бошим балога қолсинми?", "Оғринмаган бошимни оғритиб нима қиламан?" - деган андишалар гапларни қиладиганлар ҳам эмас. Турмушнинг ўзи шунақа. Бирда ўртада турганларни суюнтирса, бирда хижолатга қўяди. Бироқ "қайтар дунё"... Яхшиликка яхшилик қайтади. Кимдан бўлса ҳам қайтади. Ёшларни ёшларга қовуштириш инсоний бурч эканини унутиб қўймайлик. Биз катталарнинг турмуш қуришимизда ҳам кимлардир ўртада турганлар - бир ўйлаб кўрайлик, уларни дуо ҳам қилиб қўйайлик, имкон бўлса баъзи-баъзида уларни йўқлаб, қутлаб ҳам келайлик.

Азимжон КОСИМОВ

Ўқувчи ва талаба учун энг керакли курол бу-дафтар, рунка. Бугун мен кўпроқ шу дафтарлар хусусида сўз юритмоқчиман. Ўзингизга маълум, илгари 12-40 варақли дафтарлар бўлгучи эди. Уларнинг аксариятида улуг алломаларимиз, шоир ўзвучиларимизнинг суратлари, тугилган саналари-ю, уларнинг машҳур сатрларидан икки қатор келтирилиб қўйиларди. Баъзи каттак дафтарларда эса Менделеев жадвали, ҳар бир ўқувчига керак бўлиб турадиган карра жадвали дафтарнинг сўнгги бетига чоп этиларди.

Дафтар сотиб олаётган ота-она боласининг ёшига қараб, унга нимадир берадиган (кимедан Менделеев, математикадан карра жадвали), унинг хоти-

рилаётганига эътибор бериш ниятида дафтарнинг орқа томониغا қарадим. Кичкинагина тўртбурчак ичида неча варақлиги чизикчалар орқали кўрсатилган, манзили йўқ. Ностандарт. Афтидан энсиз сумкачаларга мослангандай. Варағи оз. Бироқ муқова зўр бериб ишланган. Қалин, сифатли, бунинг устига ёшлар ижодини санъатини ҳурмат қиладиган эстрада юлдузлари: Самандар, Лола, Мавлуда, Ойпопук, Ёдгор, Илхом, Севинч... Уларнинг турли хил қиёфада тушган суратлари муқова устини беэзаб турбиди.

Сотувчи айтгандай "эски замон дафтарлари" ҳисобланган кўк муқовали умумий дафтарлар томон бордик. Аммо қизим: "Бу дафтарларни ҳеч ким тутмай қўйган, ая. Мен ишлатсам ўртоқларим қули-

масала шахсан мени жиддий ташвишлантиради. Ўқув куроллари сотиладиган рассталарни эринмай кўриб қикдим. Дафтарларнинг исталган турини учратиш мумкин эди бу ерда. Лекин аксарият болалар ёпишиб олган дафтарлардан ташқари кўпчиликка маъқул бўладиган расмлардан холи бежиримгиналар ҳам бор экан. Демак, болалардан қатъий талаб қилсак, кўпроқ расмли дафтарларга эмас, диққатни тортмайдиган талабга жавоб берадиган умумий дафтарлардан сотиб олишлари мумкин экан.

Замзамо Умарова, ўқитувчи: -Ўқувчиларга ана шундай дафтарлар хусусида кўп гапирдик. Суратли дафтарлар ўрнига мультфильмларга ишланган безакли яъни, ялтироқли дафтарлар пайдо бўлди. Энди болаларга бошқа нарса қўлладик. Уларнинг дарсида диққатини

ТАЛАБ ДИГА ЯРАША БЎЛСА...

расини мустаҳкамлайдиган дафтарлардан саралаб, кўриб оларди. Гарчи дафтарларнинг муқоваси юпка бўлса-да, унинг устига филоф кийгизиб фойдаланилар эди.

Кўп варақли умумий дафтарлардан фақат юқори синф ўқувчилари ва талабаларгина фойдаланганлар. Ҳар бир дафтарнинг орқасида давлат стандартлари бўйича қайдлар, ишлаб чиқарувчининг манзили, неча варақдан иборат эканлиги кўрсатиларди.

Буларни нега ёзаялман? Нега "эди" деган сўз такрор айтиляпти? Ҳамма сабаб шунда-да. Биласиз, янги ўқув йили олдиндан боласи ўқувчи, талаба бўлган ота-оналар иш ўқув куролларига эҳтиёж сезади. Расмлар атрофида турли ёшдаги болалар, уларнинг яқинларини учратиш мумкин.

Қизим билан биз ҳам шу расмлар ёнида тўхтадик. Афтидан 5-6 синф ўқувчиси бўлган болакай дафтарларнинг устидаги расмларига қараб, улардан бирини танла бошлади. Сотувчи жаҳл қилди:

-Бўлди-да, энди, ҳадеб титқилайвермасдан олсанг, ол-да!

Болакай ҳам бўш келмади:

-Ўзим ёқтирган хонандани (яъни расми бор дафтарни демоқчи шеклли) оламан-да.

Энимизда турган барваस्ताгина аёлнинг асаблари таранглашиб шекилли, болани туртиб, ўртага кириб олди:

-Сен расмини нима қилсан, дафтарни кўриб ол, хей ёшлар-а...

-Менга иложи бўлса кўп варақлисида беринг.

Сотувчи ихчамгина, қалин муқовали қайсидир кўшиқчининг расми туширилган дафтарни узатди.

-Бу дафтарнинг ҳеч қанчага етмайди-ку, болам.

-Бори шу-да, хола. Ҳозир ҳамма дафтарлар шунақа чиқаяпти. Сиз айтган эски замоннинг дафтарлари ху-ув ана бу ёқда сотилади. Сифати ҳам пулига яраша.

Хола дафтарлардан кўнгли тўлмай астагина сирғалиб, қатордан қикди. Қизим: "Ая, тураверамизми?", дегандай қимтиниб қўйди. Менинг мақсадим, дафтар олиш баҳонасида ёшларнинг, катталарнинг шу дафтарларга, уларнинг устидаги турли хил суратларга бўлган муносабатларини билиш эди. Мен ҳам дафтарларни бир-бир кўздан ўтказдим. Уларнинг қаердан чиқа-



бўлмаслик учун ҳамма дафтарларнинг устига филоф кийгизиб фойдаланишларини талаб қилдик.

Ҳа, азиз газетхон! Ностандарт чиқарилаётган дафтарлар (аксарият хусусий фирмалар томонида кичикрилган) ва уларнинг муқовасига ишланган суратли ва турли безакли расмлардан иборат бўлганлари бугун ўқитувчилар-у, ота-оналар нигоҳидан четда эмаслиги ойдаи равшан бўлди. Ўқувчи ва талабадан бугунги талаб битта. Билим олиш. Олганда ҳам пухта ва мукамил илм эгаллаш.

Кўнгирок чалинди. Ўқитувчи билан саломлашган ўқувчи дарров фанга тегишли бўлган дафтарни қўлга олади. Унда қайсидир хонанданинг турли ҳолатдаги суратини кўриб, бир зум хаёли бўлилади. Иста-

шадим...". деди астагина. "Устига қалин қоғоздан филоф қиласизлар. Энг муҳими дафтар узоққа етади", дедим мен ҳам бўш келмай. Лекин кўнглига қараб дафтарларни ҳар хил қилиб олдик. Болалар расм туширилган дафтарларни талашиб-тортишиб олишди-ю, кўк муқовали умумий дафтар стол устида қолиб кетди.

Сабабини сўрардим. "Муқоваси ҳеч қанчага етмайди. Шунингдек, чиройли ҳам эмас...", дейишди. Сифатли дегани суратли дафтар эса, чўнтакка ҳам жой бўлиб кетармиш. Ўйлаиб қолдим. Бу ёшлар ўқийдими ёки расмга термулиб ўтиришадими?

Шу баҳона бўлди-ю, ўқитувчилар фикрини билиш иштиёқида уларга бир-иккита савол билан мурожаат қилдим:

Фаридаҳон Араббоева—Андижондаги 57-ихтисослашган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси: "Биласизми, ҳозир истасак-истамасак ўқувчиларда шу дафтар. Ҳатто, фанлардан тутган дафтарларини хонандалар номи билан аташади. Ўқувчиларнинг бўлар-бўлмас расмлар туширилган дафтарлардан фойдаланишлари уларга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ўқувчиларга дафтар танлашларида қаттиққўлроқ бўлишимиз лозим. Мазкур

са-истамаса бунга кўзи тушаверади. Айтинг-чи, ўқувчи шу ҳолатда қандай сабоқ олади? Ўқитувчи фаромуш ўтирган ўқувчини тартибга чақиравериб, фикри бўлинади. Ҳар бир дарсга ажратилган вақт эса ҳисобли. Шундай экан, дафтарлар ишлаб чиқараётган хусусий фирмалар ўқитувчи ва ўқувчи эҳтиёжидан келиб чиқиб, юқоридаги мулоҳазаларга бирров кўз югуртирса фойдадан холи бўлмас. Харидор дафтарларнинг муқовасидаги расмларга эмас, унинг сифати-ю, ҳажмига қараб сотиб олсин. Энг муҳими, муқоваларимизда улуг алломаларимиз, машҳур ўзвучи, шоирларимиз суратлари акс этса-ю, улар қаламига мансуб сатрлар битилган бўлса, ўқувчи хотирасига шу муҳрланади. Бу эса ёшларимизда улуг авлод-жадодларимизга, алломаларга ҳурматни шакллантиради. Миллий ғурур тўғриси шаклланади. Тарбияли фарзанда бил-били олиш, она - Ватан учун муносиб фарзанд бўлиш ҳисси уйғониши шубҳасиздир.

Ўси юритилган мавзу хусусида газетхонларимиздан мактублар кутиб қоламиз.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилояти.



ШУ ҲАМ ОНАМИ?

- Сизга мана бу дафтаримни ташлаб кетаман, - деди Фарғонадан келган Камол исмли эркек. Ўқиб кўрасиз. Лекин истасангиз, ўзим айтиб берай. Икки йил аввал не-не умидлар билан тўнғич ўғлим Фаррухга келин туширдим. Орадан бир йил ўтиб келиним қиз кўрди. Ширингина набирамизни кўриб бир қувончимизга ўн қувонч қўшилди. Афсус, бу шодлигимиз узоққа бормади...

- Нега, бирон гап бўлдими?
- Эҳ, айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим... Набирам катта бўлиб, тили чиқа бошлаганда келинимнинг хатти-харакатлари ўзгара бошлаганини пайқадим. Очигини айтмай, гарчи биз яшаётган жой катта шаҳар бўлмаса ҳам, келиним Сохиба сочларини ёйиб, аллақандай шимларни кийиб юра бошлади. Ишхонасидаги раббига ёлгон гапириб, тез-тез аллақайларга кетиб қоладиган бўлди.

- Буни қаердан билдингиз?
- Бир куни ишхонасига борсам, келиним эрталаб: "Қизимни дўхтирга олиб боришим керак!", - деб жавоб сўраб кетибди. Кечқурун эса худди ишдан келгандек, миннат билан кириб келди. Ундан қаердалигини сўраганимизда, "Ишда эдим", - дея ўзини оқлади. Ваҳоланки у кун бўйи ишда бўлмаган эди. Бу ёлгонлар ортидан бошқалари ҳам бошланди. Бошқалар у ёқда турсин, ҳатто қайнотанинг чўнтагини кавлаб, бошқа кўплаб ўғирликлар қилади, ҳар бир гапига ўнга ёлгон қўшиб гапирадиган бўлиб қолди. Сохибани бир неча марта шаҳарда кўришибди. Бу гаплар асабимизга, ориятимизга тега бошлади. Ишхонасига бориб, раҳбарнинг олдида бор гапни айтдим. Келиним мунтазам равишда бизни алдаб ўргангани учунми ҳатто хижолат ҳам бўлмади.

- Кейин нима бўлди?
- Буни қарангки, Сохиба уйига кетган куннинг эртасига қизим унинг онасини кўрибди. Кудда хола эса ҳеч нарса билмагандек қизим билан қуюқ сўрашиб, Сохибанинг ҳол-аҳволини

ман. Мени унга зўрлаб узатишган!", - деб гапирётганини ўз қулоғим билан эшитиб қолдим.

- Келинингиз кетишдан олдин унинг уйдасигарини йиғиб, бу гапларни айтисангиз бўларди-ку!
- Тўғри, шундай қилмоқчи бўлдим. Акалари, опаси ва онасини чақириб келмоқчи бўлдим. Лекин улар қочиб қураверишди. Оила бузилишининг уларга аҳамияти йўқмиди? Биз келинимнинг оиласига ўхшаган бозорчилар эмас, балки оддий, меҳнаткаш оила эдик. Шунинг учун бизни менсимаган бўлишса керак. Келиним оиламизни, ҳатто эрини бир пулга олмасдан, билган ишини қилиб юрди. Оқибат хиёнатгача бориб етди. Қилган шунча ўғити-насихатларим бесамав кетди. Вақти-вақти билан ўша М. билан учрашаётганига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг уни хонадонимдан ҳайдашга мажбур бўлдим.

- Хиёнат деяпсиз... Бунга исботингиз борми?
- Келиним бир йиғитнинг исмини кўп

сўрабди. Маълум бўлишича, Сохиба шу куни ё уйига бормаган, ёки бу онасининг ёлғони эди. Келиним кетгач орадан олти ой ўтди. Она бўла туриб ўз фарзандини кўргиси келмаса-я? Набирамни ўзим олиб бориб кўрсатиб келдим. Ваҳоланки келиним бизнинг уйда туриб танишган бир йиғит билан тез-тез учрашиб, кўришиб турар экан. Майли, нима ҳам деймиз? Ўғлимнинг кўнглига ёқмаган экан, на чора? Қўлимиздан нима ҳам келарди? Лекин менга алад қиладиган жойи шундаки, нега энди шуни туйидан олдин айтмади экан? Ахир биз уни зўрлаб келин қилмасдик-ку! Бир куни ошхонада овқат қилаётган келиним қизим Насибига: "Мен акангизни яхши кўрган эмас-

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

тилига оларди. Биз уни курсдошидир, деб ўйлагандик. Лекин одамлар орасида гап ётармиди? Кўпчилик танишларимиз Сохибани М. деган йиғит билан кўришганини айтиб келишди. Охир-оқибат шу бўлдики, Сохиба бизнинг уйимиздан кетгач, ҳали қонуний ажрашмай туриб, ўша М. га эрга тегиб олди. Ўзи оиласи бузилгани етмагандек, ўша М.нинг хотини ва болаларини ҳам қақшатди.

- Тахририятга келишдан мақсадингиз...

- Келинимни ёмонлаб, дод солмоқчи эмасман. Фақат бир нарсани истайман. У ҳам бўлса бошқа келинлар бундай енгилтақлик қилмасинлар. Гўдақларининг кўз ёшларини оқизиб, тирик етим қилиб ташлаб кетишмасин? Ўшанда келиним сепини олиб кетиш учун катта машина олиб келди. Эски бир латтасигача эслаб, топиб йиғиштириб, машинага ортишди. Ҳеч нарсани унуттирмади.

Аммо, бир четда кўлдан буён кўрмай соғинган онасини кўриб йиғлаб турган набирагинам, Шахлони ҳеч қандай эсламади. Нафақат қариндошлари, балки туққан онаси, келиним Сохиба ҳам: "Қизим бор эди-ку! Қани қизим? Уни бир кўрайин?", - демади. Бечора набирам онасининг ортидан мўлтираб, жавдираб қолаверди...

Айтинг-чи, шу ҳам онами? Наҳотки она деган ҳам шу қадар бемехр бўлса? Мен набирам Шахлони ўзим катта қилмоқчиман. Насиб бўлса катта бўлганида онаси ҳақида ёзилган манави дафтардаги воқеаларни албатта ўқийди, ўзи ҳулосасини чиқаради...

Ҳасрату ташвишдан қорайиб кетган Камол ака дафтарни менга қолдирди-да, аяқларини чиқиб кетди. Азиялар! Юқоридagi воқеа ҳусусида фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз!

ГУЛБАШАКАР

Бекатда тургандим, 30 ёшлардаги жувон билан ҳар замонда шу бекатда учрашиб, сўрашиб турардим. Ундан бунинг сабабини сўрасам, "Сизга айтаверсаммикан?" дея гап бошлади:

- Севиб турмуш қургандик. 3 нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим сиртки бўлишда ўқиди. Яқинда ўқини тугатди. Ўзим уйда фарзандларимиз тарбияси билан бандман. Унинг ёзма ишларига, курс ишларига доим қарашардим. Бир гал 4-курсда ўқиб юрганида турмуш ўртоғим гуруҳдошлари би-

Шарти шу. Шунда тишларингни айтганимдек қилиб бераман.

- Э, қўйсангиз-чи, - деб яна истихола қилиб, рози бўлмадим.

Бир гал сессиядан қайтиб келгач, биратўла барча соғлом тишларини ялтироқ сариқ тишларга алмаштирди. Ўзи зўрга қўл учидан кун кўрарди. Бу ишни қарз олиш эвазига қилди. Кейинроқ ўзининг айтишича, бир гуруҳдош аёл тақимига тушади-ган сочларини кестириб, тилла тишлар қўйдирган экан.

Орадан яна бир-бир ярим йилча вақт ўтди. Бу вақтда турмуш ўртоғимнинг

Лекин бир куни уйни тартибга келтириб юрсам, эримнинг диплом иши нуҳаси ичидан фақат ўша аёл иккаласи тушган сурат қиқиб қолди. Ўзига кўрсатдим. Ҳазабим келди. Чунки у менга: "Бошқа сурат йўқ", деган эди. Суриштирсам тўғри жавоб бермади. Кўполлик қилди. Агар тўғри маънода бирга суратга тушишган бўлса, нега у суратни бекитиб қўяди? Эримдан кўнглим қолди...

Уйлаб қарасам, менинг сочимни калталатиб, ташқи қиёфамни ўша аёлга ўхшашини истаган экан. Тилла тишлар гоёси ҳам ўша аёлга ўхшаб юришим учун чиққан экан. Лекин энг қизиғи шунда эдики, ўша аёлнинг манзили, телефон рақами каторига-тўғрисида - эркек одамнинг

Йўл-йўлакай суҳбат

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚМИ?

Йўл-йўлакай суҳбатдош бўлган аёл шундай деб қолди: - "Яқинда, бир қўшим билан орамизга совуқчилик тушди. Натijaда иккаламиз ҳам гаплашмай қўйдик. Биз-ку гаплашмасак, майли-ку, 3-синфда ўқийдиган ҳар доим салом бериб юрадиган қизчаси ҳам салом бермай қўйди. Йўлларимиз тўғри келиб қолса, қўзимга тикилиб индамай ўтиб кетади. Мен-ку шу кичкина қизчанинг саломига зор жойим йўғу, унинг тарбиясига путур етаётганидан ичим хижлланади. Тавба, шу ёшгина қизда нима айб? Аразлашган катталару, ёш болаларни бунга аралаштиришга ҳожаат бормикан. Ўзим эса қизимни: - "Қўшимизни кўрсанг салом бериб ўт. Алик олмаса ҳам салом беравер", - дедим. "Ёмонни яхшилик қилиб уялтир", деган нақл бор. Қўшимнинг эри иши тушиб келса: - "Хўжайинимга илтимосини қайтарманг. Илоҳи борица ҳолатини чиқаринг", - дея таъкидладим, деб гапини яқунлади ҳамсуҳбатим. Мен бу аёлнинг сўзларини тинглар эканман, унинг ҳақлигига ич-ичимдан амин бўлдим. Ахир у ўзимизнинг ўзбекчилигимизга бориб андиша қилаяпти-ку. Тўғрироғи, фарзандларимизнинг тарбиясига одилона баҳо берапти. Аммо буни тушунмаган ўша кибрили қўшинси, андишани отини кўрқоқ деб атамаяптимикиан? Нима бўлганда ҳам биз катталарнинг келишмовчиликларига, беайб-гулдек фарзандларимизни аралаштириш гуноҳмасмикан? Айниқса, таълим-тарбияга муҳтож қизларимизга ёш-лигидан, катталардай кек, гина, адоват сақлашни ўргатиш шартмикан? Ахир улар келажакимиз давомчиси, бўлажак келин, уй бекаси ва онадир. "Қуз уясида кўрганини қиладди", деганларидек носоғлом, нотўғри тарбия олган қизларимиздан қандай қилиб, ибодил келин, саришлати бека-ю, ўқимишли, меҳрибон она кутиш мумкин. Шундай экан, ўғил-қизларимизга ёш-лигидан ҳалол, меҳнатсевар озорқ бўлса ҳам андишани қилиб воёга етказишни ҳар бир она ўз зиммасига юклатилган бурч дея билишини истардим. Зеро:

Андишанинг отин кўрқоқ атама, Нинадек гамдан, катта фил ясама. Ёшлиқдаги одоб тошга ўйилгай, Сен ибратсан, хато қадам ташлама. Вақти келиб, ўғил ё қиздан қайтса, Афсус қилиб кўзларингни ёшлама.

Дилфуза ХОТАМОВА, Бўжа тумани.

БИРОВГА ЎХШАГИМ КЕЛМАЙДИ

лан тушган суратларни олиб келди. Ҳар хил жойларда вақти-вақти билан олинган расмлар эди. Лекин барча суратларда ҳар доим, ҳар гал доимо ёнида бир аёл ёнма-ён турарди. Мен бунга анча кейинроқ қуйидаги воқеа сабаб эътибор бердим.

Турмуш ўртоғим бир куни тўсатдан: - Сен сочининг калталатиб қирқтир. Атиги елканга тушиб турса бўлди, - деди. Мен қайнона-қайнокамдан истихола қилдим. Чунки қишлоқда яшардик. Тўғилиб-ўсган жойимда момом, дадам ҳам соч қирқимизга қарши эдилар. Болаликдан олган тарбиямиз шунча эди. - Ундан кейин нима бўлади? - сўрадим мен.

- Барча тишларингни тилладан қилиб бераман.

Мен: "Майли қирқаман", дедим. У бўлса:

- Лекин рўйол ўрамасдан юрасан.

ўқиши ҳам битди. Яна эсдалик учун тушган суратлар олиб келди. Яна ўша ҳолат. Ҳар доимги суратларда ёнида ўша аёл. Унинг сочлари қирқилган эди. Унчалик истарали ҳам эмас. Сўқбатлашиб ўтириб: "Бошқа расм йўқми?" деб сўрадим. "Шунча расмга пулни қаердан оламан? Шуларнинг ўзи ҳам фалон пул бўлди", деди.

У суратларни тез-тез томоша қиларди. Унинг ёнида биз ҳам болалар билан кўрардик. Расмдагиларнинг кимлиги, қаерда ишляпти, айтиб бериб ўтирарди. Бир гал эса суратдаги бир қизни кўрсатди. У қиз: "Мен учун ҳам расмга пул тўланг", дебди. Мен ҳайрон бўлиб:

- Нега унақа дейди? Биров учун тўлаганимидингиз? - деб сўрадим.

У бўлса ёнидаги сочи қирқилган ўша аёл учун барча харажатларни ўзи тўлаганлигини айтиб қолди. Индамай қўя қолдим.

исмини ёзиб, фамилияси бош ҳарфини қўйиб қўйганди. Ён дафтардаги бу исм ўша аёлнинг фамилиясидан олинган экан. Тагин ошириб юборди, деб ўйламанг мени. Бир пайтлар гуруҳдошларининг барча манзиллари ёзилган қоғоз уйимизда бор эди. Ўша билан солиштириб кўрдим. Секин ён дафтардаги варақни йиртиб олдим. Орадан анча вақт ўтгач, энди фақат манзил-у телефон рақам пайдо бўлди, яна ён дафтарчада. Ҳарф ва исм йўқ эди.

Шунақа гаплар, опаюн. Нима қилсам экан? Эрим айтгандай сочимни қирқиб, ўша аёл қиёфасига кириб олайми? Бунга гурурим йўл қўймайди.

Мен жувонга ўз фикримни айтдим. Қадрли юртдошлар, сизчи, қандай маслаҳат берасиз?
ФАРХУНДА

“Бахт ярим, қайғу ярим” - 21-сон

ЭСАЛТА: Севиб-севилиб турмуш қураим. Бола-чақали бўлгач, эрим бошқа аёлни деб уйдан чиқиб кетди. Оғир касалликка чалингач, мени чақиртиради. Уйга олиб кет, дейпти. Нима қилишга ҳайронман.

Муаллиф: Дилором Исмоилова

қийинчиликларига чидай олмайди, шунинг учун бизни ташлаб кетди”, дейманми? Эрим ҳақида сўраганларга: “У автохалокатга учраб ўлган”, дердим. Ушанда менга жуда ҳам алам қилган. Эрим менинг ёлғизлигимни, яқин инсоним йўқлигини била туриб саккизта бола билан ташлаб кетганига ҳеч ҳам чидаб бўлмастиди.

Энди шу фарзандларим учун яшашим керак. “Эй, Художон! Мендан куч-қувватимни олмангин, болаларимга раҳминг кел-

сўраб-суриштириб келатганда кўчмаиз бошида бурилиш жойи бор эди. Уша ерга етганда олтидан машина келиб қолиб юриб юборган. Бу хабарни эшитиб ҳеч ишонгим келмади. Рости аён бўлгач, ёқа ушлаб қолдим. Мен уни одамларга ёлғондан аварияда ўлган, дегандим. Наҳотки ёлғон сўзим рост бўлиб чиққан бўлса?

Эртаси кунни раис бошчилигида одамлар уйимга келишди. “Бу вафот этган одам сизни излаб-сўраб келганди. “Бу менинг оилам бўлади. Мана, улар билан фами-



ЯХШИЛИК ҚИЛ, ДАРЁГА ТАШЛА...

Ушбу мақоладаги бахти ярим Орзигулга қандай маслаҳат бериш, кўнглига таскин берувчи бирор сўз топишни узоқ ўйладим. Мақолани қайта ўқиб чиқдим-у, жаҳл келса, ақл кетади”, деган ибора кўнглимдан ўтди.

Бироз қизиққонлик қилиб: “Уша аёлни ёқтирсангиз кетаверинг, мен розиман”, деб айтган бир оғиз сўзи Орзигулнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Эрининг яна бир бошқа оиласи борлигидан хабар топган аёлнинг ҳолатини англаш қийин эмас, лекин муаммо тинч йўл билан ҳал этилганда, балки бундай кўргуликлар бўлмасди.

Мен Орзигулга бир онахоннинг ҳаётий кечинмалари ҳақида гапириб бермоқчиман.

“Ёшлигимда онам касал бўлиб оламдан ўтгач, аммам мени болалар уйига топширди, - дея онахон ўз ҳикоясини бошлаганди. - Орадан 3-4 кун ўтгач, дадам мени олиб кетмоқчи бўлиб келди. Лекин болалар уйи мудираси дадамни танимаган ва: “Бу қизни бир аёл олиб келиб топширган эди. Уша аёлнинг ўзи келса, бу қизни беришим мумкин”, деган. Шунда дадам менга: - “Эртага амманг билан келиб сени олиб кетамиз”, - деди. Шу бўйи мен дадамни узоқ кутганман, лекин дадам келмаган. Мен эса болалар уйида қолиб кетдим.

Ун уч-ўн тўрт ёшларимда ўша болалар уйига қарашли ферманнинг сигирларини соғардим. 30-35 литр сутни 50 та болага бир пиёладан тарқатиб, чиқардим.

Бизлар ўн саккиз ёшга тўлганимизда мудира опа ҳар биримизни бир-бирига қонуний қилиб, уйлантириб қўйишган. Шундай қилиб, ҳар биримиз мустақил ҳаёт бошлаганмиз.

Мен дунёда яқка-ёлғиз бўлганим учун болаларим кўп бўлишини хоҳлардим. Бирин-кетин тўрт фарзандлик бўлди. Уша вақтда ҳаёт жуда оғир эди. Урушдан кейинги йиллар ота-онасидан етим қолган болалар кўп эди. Тўрт фарзандимга қўшиб, яна тўртта етим болани асраб олдим. Саккизта болани боқиб жуда қийин бўлган. Бу қийинчиликларга эрим чидай олмайди. Ва мени саккизта бола билан ташлаб кетди. Икки фарзандим оқликдан шишиб ўлишган. Ушанда ёшларни Мирзачўлга ишга юборишга эрта эди. Мен ҳам болаларим билан Қозғистоннинг Чимкентидан Мирзачўлга ишга келганман. Э-хе, йўл азоблари олти бола минг бир азобда етиб келганман. Менга икки хонали уй беришди. Олти бола билан қийналиб яшаётганимни кўрганлар: “Эрингиз йўқми? Жуда қийналиб кетдингиз-ку”, деб сўрашар эди. Эрим ташлаб кетган, деб уларга айтолмаганман, уялганман. “Эрим ҳаёт



син. Ҳамма қийинчиликларга чидайман. Фақат менга куч-қувват бергин”, дея ҳар кун илтижо қилардим. Аламимни фақат ва фақат меҳнатдан олдим. Эртадан-кечгача далада ишладим. Бундан ташқари уйимдан анча наридаги тегирмонга бориб ишлаб келардим. Йўлда эса анҳор оқиб ўтарди. Анҳор устидаги кўприк омонатгина илиниб турарди. Икки кичик фарзандим қорни оч қолган, олдимга бормоқчи бўлишибди. Уша анҳор устидаги кўприкдан ўтаётди, сувга тушиб кетишган. Буни менга хабар беришмаган. Анкироғи, айта олишмаган. “Бу фалокатни юраги кўтара олмайди”, дейишган. Кечга томон ишдан қайтаётсам, анҳор бўйига тумонат одам йиғилган. Бориб қарасам, ўз фарзандларимнинг ўлиги устидан чиқиб турибман...

Тегирмонда эртадан-кечгача ишлаганга бир дона (буханка) нон беришарди. Икки боламни йўқотгач, тегирмонга ҳам бормадим. Фақат далада ишладим. Мен уйдаги тўрт боламга (1 ўғил 3 қиз) жуда қаттиқ турганман, улар мендан кўриб туришарди.

Эрта тонгдан то қоронғу тушгунга қадрар далада ишлардим. Пешинда ҳам уйга бормасдим, тушликни далага олиб келишарди. Бригадир келиб, қўлимдан кетмонни олиб, улоқтириб: “Бор уйингга, дам олгин”, деб айтганда ҳам мен барибир ишлардим. Шунда ўз-ўзимга сўз берганман. Эримни ҳеч қачон кечирмайман. У дунё-ю бу дунё ҳам кечирмайман, деб. Лекин дунёнинг ишлари қизиқ экан-да...

Орадан анча йиллар ўтди. Болаларим воёга етишди. Ҳаёт аста-секин изга туша бошлади. Шундай кунларнинг бирида эрим Нуқсудан бизларни излаб келибди. У келиб бизни аввал идорадан сўраган. Мен ва болаларим эримнинг фамилиясида эдик. Эрим биз яшайдиган уйни

лиямиз ҳам бир хил”, дея ҳужжатларини кўрсатган эди”. - деди раис. - “Мен бу одамни танимайман. Фамилиядош бўлса керак”, - дедим. Нима дейишни билмай қолган раис атрофга бир қараб олди-да: - “Опа, жиддий айтаяписизми?” - деди. Мен, “ха”, дегандай бош силкитдим. Уйда қизларимнинг ҳам, тиригини ҳам қабул қилмаймиз”, деб йиғлаб юборишди. Лекин ўғлим... Барибир ўғил-ўғил экан-да. (Эрим унинг ўз отаси). Ушанда йигирма беш ёшларда эди. Олдимга келиб, тиззамга бошини қўйиб йиғлади. “Жон она! Рухсат беринг, отаним шу ҳовлидан чиқарайлик. Ахир у бизни излаб келибди. Бизни унутмаган экан, отамнинг ўлиги кўчада қолмасин, эл-юрт нима дейди?!” - деб ўғлим ялиниб-ёлворди.

Эримга бўлган бир умрлик нафратимни, бор аламларимни ичимга ютдим. Бу осон бўлмади. Болаларим билан эримни кўзимда, барча маъракаларини ўтказдим.

Онахон сўзининг сўнгиде: “Ҳозир мен саксондан ошдим, қариб қолдим. Қизларимнинг бирини Урганчи, бирини Фарғонага, Яна бирини Нуқсуда турмушга берганман. Одам боласи қийинчиликлардан кўркмаслик, меҳнатдан қочмаслиги керак экан”, - деди.

Орзигул! Бу онахоннинг қисмати олдида сизнинг кўргуликларингиз дарёдан бир томчи. Эрингизни кечиринг ва уни уйга олиб келинг. Унинг дарду касали ўзини маълум. Айтандилар-ку: “Яхшилик қил, дарёга ташла, билса баллик билар, билмаса ҳолик”...

Шоира ХАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ!

«Кулиб турсин келинчак», -4-сон

ЭСАЛТА: Жаннат келин бўлиб тушгач уч кун ўтмай эрдан алоҳида яшашни талаб қилди. У эр оиласи кўпчилик бўлгани учун келинлик ҳизматини қилшини ҳоҳламагани. Шўрлаб қайнона-қайнона эса ўғалининг тинчини ўйлаб бунга рози бўлашади. Не-не умида билан келин олган ота-онага ҳурмат шуми?

Муаллиф: Нормамат Тоға

Мақолани ўқиб, келин бадавлат оиланинг фарзанди бўлса керак, деган фикрга келдим. Чунки меҳмонлар келганида келинчакнинг баланд овозда: “Овқат қилишга гўшт йўқ”, деб айтишидан оиласида эрка-тантлик ўсганлиги сезилиб турибди.

Жаннатхон, қизим! Энди сен оилалисан. Отангин молига учма. Турмуш ўртоғинг ва қайнона-қайноталаринг қадрига ет, дуоларини ол. Юмушларини бажар, кам бўлмайсан. Тилингни яхши сўзлашга ўргат. Оила аъзоларига ширин сўз билан муомала қилсанг, улар ҳам сени яхши қўришади. Ҳар бир киши ўз муомаласи билан кўпол кишини ҳам ўзига бўйсундириши мумкин. Доимо мулойимлик билан сўзлашга ўрган.

Азиз келинчаклар! Сизни уйига келтиргунча ҳар бир ота-она 20-25 йил орзу қилади. Набирали бўлай, келиним ишларини қилса, рўзгорни уйдан олиб, менга ярим косагина овқатимни келтириб берса, мен наврагинамни бағримга босиб ўтирсам, дуои-жонини қилсам, деб не-не машаққатлар билан тўй қилса-ю, сиз келганингиздан уч кун ўтмай, арзимас баҳона билан уларнинг орзуларини сарбоба айлантисангиз...

Келинг, ўрни келганда бир воқеани сўзлаб берай. Баҳор кунларининг бирида колхозимизнинг Соҳибён қишлоғида истиқомат қилувчи, нафақадан тилдадабиёт ўқитувчиси Неъматбобо Омоновни уйларига тоғам билан бордик. Дарвоза очиб.

Домла, боримиз? - дея овоз бердим.

Шу пайт бир келинчак келди-ю, худди элу авлодларини кўргандай самимийлик билан салом берди. - Марҳамат, уйга қирингла, ҳозир домла бобом келадилар, - деб ичкарига таклиф қилди ва меҳмонхонага бошлади. Дарров хонтахта атрофига кўрпачаларни икки қаватлаб ташлади ва бизни ўтиришга қистади. Келинчак ҳар биримиз билан худди ўз қизимиз каби сўрашди. Шу пайт 5 ёшлардаги ўғил бола келиб, қўлини кўксига қўйиб, қўл узатиб саломлашди ва бизлардан ҳол-аҳвол сўради. Бизлар бу боланинг ахлоқ одобига қойил қолдик. Бу бола шу келинчакнинг фарзанди экан.

Келинчак тезда чиқиб кетди-ю, патнисда ширинликлар ва чойнақда иссиқ чой олиб келди. Чойни 3 марта қайтаргач, тавозе билан бизга узатди.

Шу пайт домла Омонов келиб қолдилар. Биз ҳамкасбимизни соғинган эдик. Ниҳоятда дийдорлашдик. Қўшилиб (колхозда 40-45 йил бухгалтерлик қилган) Шодиев келиб қолдилар. Уфати чор - унда маза бор, дегандай кун бўйи сўхбатлашдик. Бу орда келинлар 2 марта овқат қилиб келди.

Гап овқатда эмас, ҳурматда. Мен домладан келинини қаерда ишлашини сўрадим. Домла мамнуният билан келинларидан миннатдорликларини билдирдилар.

- Мактабимизда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Онажонимнинг ёшлари қарийб 100 га яқинлашди. У кишига қарашади. Биласиз-ку, турмуш ўртоғим вафот этган. Келиним ниҳоятда чаққон, удабурон. Ҳамма ишга улгуради. Дуои-жонини қилиб ўтираман-да. Ҳаммага ҳам шундай келинлар насиб этсин-да, - дейди Неъмат ака.

Бу оиланинг аҳиллиги, файзи бир умр хотирамда қолди. Ҳар гал ўша келинчакнинг муомаласи, беш яшар боласининг одоби ёдимга тушса, дилим ёришиб кетади.

Азиз келинчаклар! Ҳар бир инсон ҳам дунёга келар экан, яхши яшашни, фарзандли бўлишни - элу халқ орасида бахтли ҳаёт кечирини орзу қилади. Шу орзуга эришиш учун ҳар бир инсон ширин сўз бўлиши муҳимдир. Оилада ёш келинчакларга катта вазифа юклатилади. Овқат пишириш, хоналарни тоза тутиш, бола тарбияси, қайнона ва қайнотага қараш, оила аъзоларининг ҳар бирини қалбига йўл топиш... Вақт етишмайди, кучимиз етмайди, дейсизми?

Менимча, озгина чаққонроқ, самимийроқ бўлсангиз, вақт ҳам топилади, куч ҳам. Йродаси мустаҳкам, сабрли-қаноатли бўлсангиз, шунинг ўзи кифоя. Турмушга, оилага бепарқ бўлсангиз, фақат ўз ҳузурингизни ўйласангиз, турмуш ўртоғингиз сиздан юз ўтиради. Иккинчи турмуш кураман, десангиз, хато қиласиз. Энг ширин турмуш - шу биринчиси. Ҳамма рўзгорда ҳам келинчакнинг бўлади. Аммо сиз шу оиланинг севимли келинчисиз. Асло хатога йўл қўйманг. Фақат хушмуомала бўлинг, азиз келинчаклар.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ, нафақадан ўқитувчи,
Бўхоро вилояти, Ғиждувон тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Дугонам ГУЗАЛХОН!

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, умрингиз қувончли, мазмунли кунларга бой бўлсин.

Дугонагиз Заинура.

Қизалоғим МУНИСА!

6 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, келажакда биз ўйлаган, ниҳат қилган қиз бўлиб воёга етишингни тилаймиз.

Онанг Муқаддас, далаат Дишода

ШЕРЗОДЖОН ва МАФТУНАХОН!

Ниҳоқ тўйларингиз муборак бўлсин. Ҳаётингиз зилол суваек тиниқ, умрингиз чинор умридак узоқ бўлсин. Ширин-шакар фарзандаларга бош бўлиб юрнгалар.

Ота-онагиз

АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32-уй.

ТЕЛЕФОН: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, унга бурилади.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Бу аёл ҳақида бирор нарса ёзишни кўп йиллардан буён орзу қилардим. У ҳеч ризолик бермас, сира мавриди келмасди. Ёзишга арзигулик иш қилганим йўқ ҳали, вазифамни адо этаялман ҳалос, дея пайсалга соларди.

Умр оқар дарё, деб бекорга айтишмас экан. Кечагина институтни тугатиб, болалар шифокори бўлиб ишга келганида Хатира Пўлатова бир ўрим сочлари ўзига ярашган ёш мутахассис эди. Кичкина жуссасида катта гайрат, мовий кўзларида ишонч, юрагида бир дунё умид яширинганди. У институтда устозларидан олган сабогини ҳаёт синовларидан ўтказарди. Ташхис қўйишда шошилмас, бемор ҳолатини синчиклаб ўрганар, тафаккур тарозусидан ўтказиб, кейин бир тўхтамага келарди.

Хатира Пўлатова иш бошлаган кезларда ўттиз километрдан зиёдроқ йўл босиб, шаҳарнинг бир чеккасидан туман маркази Қибрайга қатнарди. Ҳар кун куёбдан эрта туриб, кун ботганда қайтарди. Касбига садоқат, одамларга бўлган меҳр унга тинчлик бермасди.

Мана, ўттиз йилдирки, у кўз касалликлари шифокори, Олий тоифали врач, касбининг моҳир устаси. Касалликнинг дастлабки белгиларидан охиригача кечадиган жараёнларни яхши билади. Қайси босқичда касални қандай даволаш усуллари шогирдларига ўргатади.

Хатира опа оиласини зиёдилар, нур таратувчилар, дейиш мумкин. Ўғиллари Омон ва Баҳодир олий маълумотли ўз соҳасининг етук мутахассислари, нуфузли жойларда ишлашади. Қизи Нигорахон онанинг издоши, кўз касалликлари шифокори. Қаҳрамонимиз Хатира Пўлатова баҳор кунлари дунёга келгани учунми ҳар доим қувноқ, ёшлардек тетик, ундан ҳамиша чўчмоқлар исю, кўклам нафаси келади.

Ҳикмат МАҲСУМОВ



Яхшилардан сўз очдик

ЧУҚУРЛИКДАН ЧИҚИБ ОЛДИМ

Ўша кун тушимда дарёга чўмилгани борибимиз. Дарё шунчалар катта бўлса ҳам унда бизнинг оила-аъзоларимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Бунинг устига дарё суви шунчалар кирки, чўмилаялман-у, тоза сув йўқмикан, дея ўйлаганим-ўйлаган. Бир пайт ўғлим билан хўжайимим дарёдан чиқиб дарё четига жойлашган душда оқиб турган тоза сува чўмилиб олишди. Мен эса кир сувдан чиқолмай қолиб кетдим. Сувдан чиқиб кетишга ҳарчанд уринмайин бунинг чорасини тополмасдим. Бир пайт дарёнинг тескари тарафига қараб сузиб кета бошладим. Нима бўлди-ю, оёғим дарёнинг чуқур жойига тушиб кетиб, у ердан анча пайтгача чиқолмай сув тагида чўкиб турдим. Оёғимни чуқурликдан тортиб олишга ҳаракат қиламан-у, бунинг урдасидан чиқолмай сув ичида хўн-хўн йиғлардим. Нимадир бўлди-ю, чуқурликдан оёғимни тортиб олдим. Аммо дарёдан чиқиб, тоза сувага етолмай уйғониб кетдим.

Бувим раҳматлик туш кўрсанг тушингни сувага айт, ёки бошингдан етти дона гуручни айлантриб, томга отиб юбор деб кўп бора такрорларди. Ўша тушни кўрган куним кун буйи бувимни сўзларини эсладим-у, аммо уни бажармадим. Уй юмушлари билан бўлиб бу нарса ёдимдан кўтарилди. Аммо кечга бориб юрагимни босиб турган хижиллик сабаби очилди.



Шифохонадан Замира исмли навбатчи шифокор уйга қўнғир қолиб, дадам автоҳалокатга учрагани, ахволи оғирлигини, тез

етиб келишим кераклигини айтгач, борсам қолдим. Шифохонага етиб давдамни операцияга олиб кириб кетишибди. Тақдирга минг бора шукр Оллоҳ уни яна бизга соғу-саломат қайтарди. Шунда англадим-ки, чуқурга тушиб кетиш бу яхшилик аломати эмас экан. Яхшиямки, мўъжиза юз бериб мен дарёдаги чуқурликдан чиқиб олдим. Бу даданинг бағримизга қайтгани бўлади, деб ўйлаган.

НИГОРА

ҲАЁТИЙ КУЗАТМАЛАР

Бу дунёда "бахтлиман" деган инсонларни кўп учратамиз. Бахт нима ўзи? Назаримизда, бахт яратганинг тақдир азали десак янглишмаймиз. Кимдир бахтни тўкин дастурхон, кимдир қимматбахо матоҳлар, кимдир пул билан, кимдир қўша-қўша машина-ю, қават-қават иморатлар билан, кимдир эса бахтни оилавий тинчлик, сиҳат-саломатлик билан ўлчайди. Ҳар бир инсоннинг ўз дунёқарashi, фалсафаси мавжуд. Агарда биз "нафс"нинг қулига айланмасак, ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Яқинда маҳаллада 45 яшар навқирон бир йигит вафот этди. Учта воёга етмаган сағир фарзандлар ортда қолди. Майит ҳали қабристонга қўйилгани йўқ. Аммо лекин бу йигитнинг қариндош-уруғлари худойини қандай тартибда ўтказиш ҳақида басхлашмоқдалар. Нега бунчалар бесабр эканмиз? Аслида сағири бор уйнинг тузи тугул, кўрпачасида ҳам ўтириб бўлмайди-ку. Дабдаваозлик иллати қачон бизларни тарк этаркан?!

Ислоҳ арконларида кўрсатилмаган "учлик", "еттилик", "йигирма" "қирк", "йил оши" деган салбий одатларни йўқ қилиш вақти етди, десак янглишмаймиз.

Султонмурод ФАЙЗИЕВ, Тошкент вилояти, Бўка тумани.

Тўртликлар

Мўйқалам қоғозга жило беради, Кўнгли ҳам завқ-шавққа тўлаверади, Табиат завқини туя олсанг бас, Илҳомнинг ўзи сўнг келаверади.

Севгисиз ҳаётда турмуш татимас, Бургутнинг кўзини бургут чўқимас, Ҳатто қуш боласин ташлаб кетмайди, Қушчалик бўлмаган инсон зотимас.

Онага фарзанднинг бегонаси йўқ, Дўстларсиз ҳаётнинг ҳеч маъноси йўқ. Қуёшга талпинар барча тирик жон, Меҳр бермаганинг парвонаси йўқ.

Ўқиган, изланган олим бўлсам дер, Қўшиқчи ҳаммага маълум бўлсам дер, Танишлар қўлласа, буйруқбоз узоқ, Амал курсисига елим бўлсам дер.

Пардабой КУЛАТОВ, Сурхондарё вилояти

ҲАМИША ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Мен 28 йилдан бери қон босими, 5-6 йилдан бери қандли диабет хасталиклар билан оғриб келаман. Ҳар йили каммида 2-3 мартаб касалхоналарда даволаниб юрар эдим. Охир-оқибат бу хасталиклар юрагимга таъсир қила бошлади. Шу йил январь-феврал ойларида 2-3 марта ўзимдан кетиб қолишим (комага тушиб қолишим) оқибатида тез ёрдам шифокорлари 17 (ҳозирги 7) - шаҳар клиник шифохонасига келтиришибди. Бу ерда аввал жонлантриш бўлимида, сўнгра ички касалликлар бўлимида даволаниб чиқдим.



Бахтимдан айланайки, ички касалликлар бўлим бошлиғи, олий тоифадаги шифокор Қосимова Шоирахон бошчилик қилаётган жамоа ходимлари ёрдами билан касаллигим анча енгиллашди.

Албатта бунинг асосий сабабчиси деб Шоирахонни биламан. Чунки бу шифокор ўз устида тинмай ишлаши, янги чиқарилаётган дори-дармонларни беморлар учун тўғри танлай билиши мени ҳайрон қолдирди. Ҳамшира қизлар Муҳаббат, Малика, Назокатларга ва барча

ходимларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Шоирахон қизимни эса яқинлашиб келётган ярим асрлик таваллуд кун билан чин қалбимдан табриклайман. Қизганим омад ҳамisha сиз билан бирга бўлсин. Фарзандларингиз роҳатини кўринг.

Муҳаббат КОМИЛОВА, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Олий тоифали ўқитувчи.

КЎЙ (21.03 — 20.04). - Рўзгорингиз учун янги жиҳозлар сотиб оласиз. Ҳаридингиздан кўнглингиз тўлади. Катта давраларда эътибор қозонасиз.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Моддий томондан бироз қийинчиликлар туғилиши мумкин. Маблағингизни майда-чуйдаларга сарфламанг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Анча омадли ҳафта сизни кутмоқда. Бошлигингиз билан бўлган муносабатингиз янада яхшиланишидан қувонасиз.

КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Севгилингиз билан учрашасиз. Аммо ҳавойи орзуларга берилиб кетишдан сақланинг.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Сирингизни ҳатто яқинларингиздан ҳам яширинг. Бошқаларнинг сирини ҳам сақлашга одатлансангиз, хурматингиз ошади.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Қанчалик газабланманг, ўз ҳис-туйғуларингизни бошқаришга ҳаракат қилинг. Ўзингизга ишонинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Шу ҳафтада лавозимингиз ошиши сиз учун кутилмаган янгилик бўлади.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Тинимсиз меҳнатингиз ўз самарасини беради. Сизни тақдирлашади. Лекин ўз устингизда ишлашни давом эттиришингиз керак.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Пул билан боғлиқ муаммоларга дуч келасиз. Лекин ҳафта бошидан тежамкор бўлсангиз, кўнглисизликлар сизни четлаб ўтади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Муаммоларга сабаб бўладиган давралардан четроқда юргангиз маъқул. Ўз манфаатингизга боғлиқ ишларга кўпроқ эътибор қаратинг.

КОВГА (21.01 — 18.02). - Ўзингизга муносиб иш танлашингиз учун имконият пайдо бўлади. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш эса ўзингизга боғлиқ.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Дўстингиз билан учрашасиз. Лекин ҳадеб ўзингизнинг гапингизни маъқуллашга ҳаракат қилманг.



Синалган ҳақиқатлар

11 – Сатурн чизиги қафт асосидан ўрта бармоқча қараб йўналган бўлади.

Агар у ўрта бармоқча тўлиқ етиб борган бўлса, ўткир зехн ва ақлдан, баъзи ҳолларда самарали сиёсий фаолиятдан далолатдир. Чизик қисқа бўлса, касбий фаолиятдаги омадсизликларни англатади. Агар чизик Ой дўнглигига қараб бурилиб кетса, бу инсон қонун билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши мумкин.

12 – Бош ва Мия ёки Соғлиқ

чизиги қафт асосидан бошланиб, Меркурий дўнглигига қараб кетган бўлади.

Агар чизик текис ва раvon бўлиб, ҳаёт ҳамда Жигар чизиклари билан учбурчак ҳосил қилса, ақл билан иш кўриш, жасорат ва бойлик ифодаси саналади. Учбурчак қанчалик тўғри бурчакли бўлса, ақл ва қалб шунчалик кучли ҳисобланади. Учбурчакнинг бурчаклари ва томонлари ҳажми жиҳатидан қанчалик фарқланса, бу инсон шу қадар аҳмоқ, ақлсиз ва ўз қобилигига ўралиб қолганлигини билдиради.

13 – Ой чизиги ёки Сомон йўли Сатурн чизигидан Ой дўнглигига йўналган бўлади.

Текис, раvon ва узун чизик сузамоллик қобилиятини, ҳамда (агар Венера дўнглиги белгиси бунга тесқари бўлмаса) қарама қарши жинс вакиллари орасида машҳурликни англатади. Узилиб қолган ёки қисқа чизик эса ёлгончилик ва омадсизликдан дарак беради. Агар у жимжалокча бориб етса, бу ҳол бахтли ва тўқис ҳаёт тимсоли ҳисобланади.

17 – Аждаҳо чизиклари ёки билгазуқлар қафт остида, биллак қисмида бўлади.

Агар улар текис ва узлуқсиз икки ёки уч қатли бўлса, соғлиқ ва моддий тўқисликни билдиради. "Юлдузча" ёки хоч шакли эса оғузда қариллик гаштини суришни англатади. Мабодо, улардан Ой ёки Меркурий дўнгликларига чизик кўтарилган бўлса, узок йиллар мусофирчиликда яшаш белгисидир.

Кафтга яқин бўлган, текис, тўғри ва узлуқсиз чизик омад ва тўқис ҳаётни ваъда қилади. Унинг қинғир-қийшиқ ва билинар-билимаслиги эса жисмоний кучсизлик нишониси.

Агар Аждаҳо чизигидан Венера дўнглигига қараб чизикча ажралиб чиққан бўлса, яқин кишилар билан боғлиқ кўнглисизликларни билдиради.

18 – Стол ёки бахт ўрни Бахт ва Жигар чизиклари орасида жойлашган.

Чизикнинг йирик, кенг ва тўғри эканлиги олижаноблик белгисидир; майда ва торлиги эса аксинча майдақашлик, журъатсизликдан далолат беради. Шу жойда, айниқса, Кўёш дўнглиги остида аниқ акс этиб турган юлдуз ёки хоч шакли бўлса, иззат-икромдан нишонандир.

(Давоми бор) **ДАРМОН тайёрлади.**

ЎУЛБЎР

(Боши ўтган сонларда)

Ноқулай аҳволга тушиб қоламан. Бирок, ўзим кинодан сўз очдимми, ортга тисланиш йўқ! Бунинг устига "Санъат саройи"да қанақа кино намойиш этилаётибди, билмасдим. Ҳозир буни сўраб қолса, нима деб жавоб қиламан, деган ўй миямдан ўтди-ю, ўзимни ўйглаб олиш мақсадида:

- Соат 6 да сизни "ўша (!) кино" олдида кутаман, келинг, - дейман.

Уни қанақа фильм кетаётгани қизиқтирмасди, шекилли таклифимга бажонидил кўнади. Мен дам суюниб, дам таклифимдан хижолат бўлиб, у билан вақтинча хайрлашаман. Ташқарига чиққач: "Нима, мен унга ошиғу беқарор бўлиб бораётибманми? Наҳот, унинг гулдай, ҳа-ҳа, гулдай чехраси мени ўзига ром қилиб олаётган бўлса! У менинг тенгимми? У бошқа "дунё" одами бўлса, мен бошқа "дунё" одами бўлсам. Унинг дунё қара-

Бир маҳал улардан бири - оғзи ботири атайин бизга эшиттириб: "Шундоқ нарса"ни кинога олиб келганини қаранглар! Обормайсанми, овлоқ жойларга..." дейди. Улар кулишади. Менинг гашим келиб, рашикм қўйибди. Қизнинг тирсагидан олиб, тезроқ юришга ундайман. "Ҳа, чиройли қизлар билан кўчада, айниқса, бемаҳабда юришнинг ўзи бўлмас экан. Қаланғи-қасанғилар гап отиб, холи-жонингга қўйшмас экан. Бу ёғи қандоқ бўлди?!" деган фикр кўнглимдан ўтади. Маҳбуба эса бундақаларга ўрганиб қолган чамаси, парвойига келтирмай кетаверади.

Биз автобусга чиқамиз ва илгариги - биринчи учрашувдаги бекатдан бир бекат кейин тушамиз. Кўча ёп-ёруғ. Одамлар, машиналар ўтиб турибди. Мен нима дейишни, нима ҳақида гаплашиб кетишни ҳам билмай, жим бораман. У мени ҳам хайкиди чоғи, аввалгидек,

Қисса

лан вояга етган. Қиз сизга яқинлашмоқчи, сиз бўлсангиз, одоб сақлайсиз. Чунки сизнинг кўз очиб қўрган дунёингиз китоб ўқиш, гўзал нарсаларга маҳлиё бўлиш, пок юриш, тўғри гапириш, тўғри фикрлаш, тўғри яшаш, солиҳ ва содиқ бўлиш. Сиз ноболлар муҳитида бўлмагансиз, улар ичида юрмагансиз. Шу сабаб, сиз ёмонларга дуч келиб қолсангиз уларга қандай муомалада бўлишни ҳам билмайсиз. Уларга мос гап ҳам топиб бера олмайсиз. Улар эса ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб сиздақа ориятлиларни "лойга" қориб ташлайди. Сиз ҳеч нарса қила олмайсиз. Сиздан уларга лойиқ жавоб чиқмайди. Пировардида, улар "ютуб" кетади. Сиздақа нафсониятларни "ютқазиб", жиғибйорн бўлиб қолаверади. Мана қаранг, кўча болаларининг биргина гапи ҳамон сизнинг кўнглингиздан чиқиб кетмапти. Аммо ёнин-

БАШОРАТНОМА

(Боши ўтган сонларда)

КАФТ


10 – Ҳаёт чизиги бош бармоқ асосини ўраб туради. Унга қараб деярли ҳамма нарса: ақл, туйғулар, қатъият, энг асосийси эса соғлиқ ва қанча умр кўриш ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин.

Кенг ва текис чизик бирор бир дардларсиз узок умр кўришингизни ваъда қилади; калта ва кесишган бўлса, ожизлик, кучсизлик ва касалмандлик аломатидир. Агар у Жигар чизигига яқин келган бўлса, характернинг яхшилигидан ва соғлом фикрлашдан дарак беради. Ҳаёт чизигининг иккиталиги (иккита параллел чизик) бахт ва бойлик белгиси.

Агар бу чизик калта ёки билинар-билимас бўлса, айримлар буни умрининг қисқалигини англатади, деб ўйлашади, аслида эса ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Шунчаки, қодир табиат бундай чизик соҳибларини ўзларига эҳтиёт бўлишлари, соғлиқлари тўғрисида қайғуришлари лозимлигидан огоҳлантириб қўймоқда, холос.

Ҳаёт чизигидаги узилишлар, "чуқурчалар", "оролчалар" соғлиқ борасидаги муаммоларни билдиради. Муаммоларнинг жиддий ёки хавотирлинишга ўрин қолдирмайди ҳам даражада оддий бўлиши эса ана шу нарсалар Ҳаёт чизигига қанчалик зарар етказганига боғлиқдир.

Кўп ҳолларда асосий чизикдан ажралиб чиққан "ирмоқчалар"ни кузатиш мумкин. Агар ана шу "ирмоқчалар" юқорига йўналган бўлса, бойлик, омад ва бахтдан, пастга қараб кетганда эса камбағаллик, омадсизлик ва қийинчиликлардан дарак беради.




ЎУРА ЁШЛАР ҚИСМАТИ

ши бошқа, меники бошқа, дея ўйлаб кетаман. Шундай деб ўзимни юпатмоқчи бўламан-у, унинг кўзлари кўзларини олдида пайдо бўлаверади. Ахирри майли, бир учрашсам, учраша қолай, деб ўзимни босиб оламан...

...Кино залида ўтирибмиз. У менга қарайди, мен унга, тўғрироғи, унинг қош-кўзларига қарайман. Менинг эсим оғади. Унга тўйиб-тўйиб қарайман келади. Қараб-қараб ҳам тўйса бўлар эканми? Йўқ, албатта қиз буни сезади ва нимқоронғуликда бешбатар мафтункор боқади. Назаримда, у атайлаб шундай қилади. Нима бўлганда ҳам мен ҳис-туйғуларим оғушида қоламан. Бирок, орият, андиша, менинг дунёқарашим эҳтиросларимни жилловлайди. У эса гарчи ҳозир елкамга бошини жонжон деб қўйгиси келаётган бўлса ҳам, бир марта мендан панд еганидан бунга жазм қила олмайди. Мен буни пайқаб ўтираман ва бироз тин олгач, унинг хоҳишига ҳам қараш керак-ку, деган фикрда қизишиб, унинг елкасига тушиб турган кеник, қоп қора, хушбўй сочини бармоқларим орасига олиб ўпаман ва бошини елкамга қўяман. У менга эгилиб, ўнг қўли билан яланғоч чап билганиمنى ушлаб олади. Юрагим уриб кетади. Бирок, барибир, ўзимни қўлга оламан.

Кино тугайди. Биз дастлаб учрашган 91-автобус бекати томон борамиз. 5-6 қадам нарида келаётган учта йигит бизга, албатта, кўпроқ Маҳбубага қарашади. Бир-бирларига нимадир дейишиб кулишиб,



ғиздаги "қизингиз"нинг ёдидан аллақачон чиқиб кетди. Сабаби, қиз бола ҳаётдан таълимни эрта олади. У бундақ олчоқларни, уларнинг маза-бемаза сўзларини, тегажоглиқларини кўриб-эшитиб бўлган. Сизнинг ошна-оғайниларингиз ҳам бамаъини, ҳамиятли талаба йигитлар. Уларнинг оилавий жиҳатлари ҳам одамлар хавас қилса арзийдиган нуфузда. Наридан, инсоний одоб-ахлоқ нормасида. Сиз эса ҳали анча гўрсиз. Ҳаётнинг паст-баланд ерларини, аччиқ-чучук найрангларини идрок қилмайсиз... Бор-йўғи

кўлимдан ушлаб ҳам олмайди. Ёки маҳалладагилардан биронтаси кўриб қоладимикан? Кулоғимда эса ҳамон боғи учта турқи совуқнинг гапи. Нечун улар бундоқ деди экан? Нима Маҳбуба ташқаридан ёмон қизларга ўхшайдими? Чиройли бўлса, нима бўлпти? Чиройли қизлар ёмон бўлавермайди-ку! Айтмоқчи, нега бу ҳам уларга қараб-қараб қўйди экан? Мақсади уларни ҳам ўзига жалб қилишмикан ёки шунчаки одатимикан? Билмадим... Била олмадим..."

- Яхши, чиройли таълим олиб ўсган одам ҳамиша бошқаларни ҳам ўзидай, деб билади, Хайруллажон, - дея унга таскин бера бошладим мен. - Қаранг, у уч бола бошқача-енгилроқ дунёқараш билан ўсан, сиз бошқа, Маҳбуба эса яна бир бошқа дунёқараш би-

19 баҳорнинг ҳавосидан нафас олган йигитча нимани ҳам билсин.

Хайрулла жим қолди... - Хайрулла, шу билан... қизини уйига олиб келиб қўйдингиз, бўлдимми?

- Ҳа, айтмоқчи, у билан эшик рўпарасида тўхтадик. Кўринишимдан яна нимадангиз норози бўлганини сездим. Гап ортиқча эди. Икки кафтига ўзимни олди-да, пешонамдан бир ўпиб, хайрлашди-ю, кетди. Мен сусткашлик қилганимча қолавердим. Ахир мен уни асраб-авайлаб, эҳтиёт қилиб юрмоқчи эдим-да. Ҳозирнинг ўзидан "кўчадагилардек" муомалада бўлса, бир-икки ойдан кейин нималарни хоҳлаб қолмаймиз, деб ўйлар эдим, мен. Мақсадим бошқача эди, ахир.

(Давоми бор) **А. ИСМОИЛОВ**

ДУШАНБА 30




6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».

18.15 «Олтин тулпор дуоибоди». Т/с.
18.45 «Бир кун».
19.10 «ТВ шифокор».



14.55 «Ватаним менинг!»
15.00 «Келажақ овози».
15.10 «Сехри қўллар».

18.10 «Август». Т/с.
18.45 «Мулки мумтоз».
18.55 «Улуғ неъмат».



17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Букрининг сири».

19.25 «Музыка SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.



7.00 «Бодро утро».
8.00 «Талкин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Муסיкий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил).




07.00 Ўзбек наволари
11.30 «Жассига ухшаш йуқ»
168-серия

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро».

4.00 «Доброе утро!».
7.55 «Гений пародии. Недолгая жизнь Виктора Чистякова».

СЕШАНБА 1



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким».
7.05 «Икки тақдир». Т/с.

17.20 «Юрт мекри».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».



7.00 «Даврининг боласи».
7.10 «Мультипанорама».

12.00 «Жумон». Т/с.
12.40 «Joutal».
13.00 «Давр».



17.55 Мультфильм: «Букрининг сири».

20.40 «Братья». Серил.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)



7.00 «Бодро утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

21.50 Теннис. Уимблдон турнири.




07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ухшаш йуқ»

8.25 «Малахов +»
9.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»

ниязи одноименного романа Анатолия Иванова «Вечный зов». 1973г.

ЧОРШАНБА 2




6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким».
7.05 «Икки тақдир». Т/с.

11.15 «Хаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Юртим буйлаб» дастури: «Минг булоқ».

йили. «Таълимга эътибор - келажаққа эътибор».
«Болалар сайёраси»:



7.00 «Даврининг боласи».
7.10 «Мультипанорама».



14.00 «Чорраха». Т/с.
14.30 «SMS-музыка».



7.30 Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда».



7.00 «Бодро утро».
8.25 «Малахов +».

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасси-га ухшаши йук» 170-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил «Соф мухаббат» 22-серия
10.20 Ўзбек наволари
11.00 Мировые хиты
11.30 «Пока ты спал» худ.фильм
13.30 Ўзбек наволари
14.30 «Спец репортаж»
15.00 Серил «Жасси-га ухшаши йук» 170-

серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Топ-10»
18.05 Ўзбек наволари
18.30 Серил «ЖАС-СИГА УХШАШИ ЙУК» 171-серия
19.00 Серил «СОФ МУХАББАТ» 23-серия
19.50 Ўзбек навола-ри
20.30 «Звездапад»
21.05 Мировые хиты
21.30 Серил «24 часа»
22.20 Киноколлекция: «ИМЯ РОЗЫ» х/ф
00.40 Миксер

1

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.25 «Малахов +»
9.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.00 Новости
11.25 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Галина Брежнева». 2-я серия

15.00 «Огонь любви». Много-серийный фильм
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят»
18.10 «След»
19.00 «Принцесса цирка»
20.00 Время
20.30 «Морозов». Многосе-рийный фильм
21.35 Премьера. «Сеть».
22.25 Ночные новости
22.40 «На ночь глядя»
23.25 Х/ф «Щедролованая»
1.15 Фантастический трил-лер «Ужас из бездны»
2.00 Время
2.30 Фантастический трил-лер «Ужас из бездны». Про-3.20 «Обреченный «Боинг»

PTP

4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.55 «Музыка в стране глу-хих»
8.50 Владимир Конкин в телесериале «Сармат»
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 Владимир Конкин в телесериале «Сармат».
11.40 Ада Роговцева в экра-низации одноименного романа Анатолия Иванова «Веч-ный зов». 1973г.
12.50 «Ну, погоди!». М/ф
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Дмитрий Мартынов в телесериале «Взрослые

игры». 2008г.
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры»
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.05 «Женщина без про-шлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Теле-серил.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБ-ЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, ма-лыши».
20.00 Иван Колесников и Анатолий Котенев в телесе-риале «Колдовская любовь».

20.55 ПРЕМЬЕРА. Антон Ма-карский, Ольга Самошина, Алексей Барабаш и Игорь Чернышев в экранизации романа Валентина Пикюла «Пером и шпагой».
21.50 «Загадки Андрея Руб-левского»
22.50 «ВЕСТИ»+.
23.10 Эммануил Виторган, Ирина Метлицкая и Борис Химичев в остросюжетном фильме «Выкуп». 1986г.
0.50 «Дорожный патруль»
1.10 НОЧНОЙ СЕАНС. Фильм «Рай» (США). 2005г.
2.30 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУ-НОЧНИКОВ. «Люди в дере-вьях» (США). 2006г.
3.15 Телесериал «Дневники Бедфорда» (США). 2006г.

ПАЙШАНБА 3

OTZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбеки-стон!»
7.00 «Иклим»
7.05 «Икки тақдир».
Т/с.
7.45 «Дилхуш наво-лар».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 ТВ анонс.
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Олтин тулпор дуо-ибади». Т/с.
9.10 «Изхор».
9.15 «Икки дарё орали-гида».
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Ака-ука Гримм эр-таклари». М/с.
10.15 «Табаррук за-мин».
10.35 «Бир жиноят изи-дан».
10.55 «Сизнинг адво-катингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Хаёт синовла-ри». Т/с.
11.50 «Ахборот». /инг-лиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбе-кистон!»
13.00 «Иклим».
13.05 «Сунги қироли-ча». Т/с.

14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олтин мерос».
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Чумолилар».
15.15 «Оханрабо».
15.55 «Рангин дунё».
16.15 «Икки дарё орали-гида».
16.35 ТВ анонс.
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Шифокор қабу-лида».
«Болалар сайёра-си»:
17.40 «Эртақлар - ях-шиликка етаклар».
17.55 «Изхор».
18.00 «Фидойиллик бахшида умр».
18.15 «Олтин тулпор дуоибади». Т/с.
18.45 ТВ анонс.
18.50 «Тарих кўзгуси».
19.10 «ТВ шифокор».
19.15 «Оханглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 «Хаёт синовла-ри». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Мухаббат ва эҳтирос». Т/с.
22.55 «Иклим».
23.00 «Кўшигимсан, му-хаббат». /SMS/.
23.15 «Икки тақдир».

7

7.00 «Давринг боласи».
7.10 «Мультпанорама».
7.30 «Таътил тухфаси».
8.35 «Мароқли зоология».
9.00 «Кадрон кўшиқлар».
9.15 «Июн оқшоми». Т/с.
9.50 «Yoshlar» анкетаси.
9.55 «UzEX хабарлари».
10.00 «Давр».
10.10 «Ешлар майдоии».
11.10 «Автопатруль».
11.30 «Ешлар ва таълим».
11.40 «Навий хазинаси».
11.45 «Мулки мумтоз».
12.00 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Матонат».
12.50 «Келажак эгалари».
13.00 «Давр».
13.10 «Ешлар ва тарих».
13.55 «Шарқ дарвозаси».
14.00 «Чорраха». Т/с.
14.30 «SMS-музыка».
14.40 «Малайзия». 1-қисм.
15.00 «Давринг боласи».
15.10 «Мультпанорама».
15.35 «Болалар табассу-ми».
15.40 «Мароқли геоло-гия».
15.50 «Болалар илхоми».
15.55 «UzEX хабарлари».
16.00 «Давр».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Онажон Ташкен-тим».
17.00 «Ешлар майдоии».
18.00 «Нақшлар жиноси».
18.10 «Август». Т/с.
18.45 «Мулки мумтоз».
18.55 «Улуг неъмат».
19.00 «Давр».

19.30 «Июн оқшоми». Т/с.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Ешлар навоии».
21.00 «Тошкент-2000».
21.05 «UzEX хабарлари».
21.10 «Жумонг». Т/с.
21.55 «О, ёшгим!»
22.00 «Давр».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.35 «SMS-музыка».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда».
8.55 «Телекурьер - маркет».
9.20 «Камер оркестринг концерти».
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Эртазим эгалари».
10.00 «Музыка SMS».
10.30 «Пойтахт»
10.40 «Милгарос»
11.10 «Интервью» /рус/.
11.45-13.35 Кино. «Поймай и отпусти».

17.55 Мультфильм «Букри-нинг сири». 4-қисм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Эсмеральда».
19.25 «Музыка SMS».
19.50 «Иктисод-ревью»
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Милгарос»
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозоба».
21.30 «Пойтахт»
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» пред-ставляет: «Сайс».
22.30 «Пойтахт»
22.45 «Кино SMS со звезда-ми»
22.50 - 00.35 Кино: «Вкус жизни».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тил)
8.25 «Малахов +»
9.30 «Хабарлар» (узб. тил)
9.50 «Татьянин день».
11.20 Волейбол. Д/ф
12.25 - 13.10 Бокс. С. Жа-сон хотира турнири.

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Ким нимага кодир».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Музыка тайм».
19.15 «Жасорат».
19.40 «Олимп сари йул».
19.55 Академическая греб-ля. Кубок мира.
20.30 «Бизнес-ревью».
20.40 «Братья». Серил.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 Теннис.
22.40 На экране фанта-стик: Бельфегор - призрак Луера». Х/ф

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасси-га ухшаши йук» 171-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил «Соф му-хаббат» 23-серия
10.20 Ўзбек наволари
11.00 Мировые хиты
11.30 «Имя Розы» худ-фильм
13.50 Ўзбек наволари
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Серил «Жасси-

га ухшаши йук» 171-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Ўзбек наволари
18.30 Серил «ЖАССИ-ГА УХШАШИ ЙУК» 172-серия
19.00 Серил «СОФ МУХАББАТ» 24-серия
19.50 Ўзбек наволари
21.00 Мировые хиты
21.30 Серил «24 часа»
22.20 «НИКИТА» худ-фильм
00.35 Миксер

1

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.25 «Малахов +»
9.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.00 Новости
11.25 «Агент национальной безопасности»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.00 Новости
14.15 «Кража в Кремле»
15.00 «Огонь любви».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят» с Ан-дреем Малаховым
18.10 «След»
19.00 «Принцесса цирка».
Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 «Морозов». Многосе-рийный фильм. Заключи-

тельная серия
21.35 «Гордон Кихот»
22.30 Ночные новости
22.50 Х/ф «Собственность дьявола»
0.45 Майкл Мэдсен в детек-тиве «44 минуты»
2.00 Время
2.30 Детектив «44 минуты».
Продолжение
2.50 «Кража в Кремле»

PTP

4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.55 «Мужской разговор». Марк Бернес».
8.50 «Сармат».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 «Сармат».
11.40 «Вечный зов». 1973г.
12.50 «Ну, погоди!». М/ф
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Взрослые игры».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры»
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.50 ВЕСТИ.
17.05 «Женщина без про-шлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди».
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19.50 «Спокойной ночи, ма-лыши».
20.00 «Колдовская любовь».
20.55 «Путачева, Распутин... Все звезды Дербенева».
22.50 «ВЕСТИ»+.
23.10 Дермот Малруни в фильме «О Шмидте» (США).
1.20 «Дорожный патруль»
1.40 «Люди в деревьях»
2.25 Телесериал «Дневники Бедфорда» (США). 2006г.

ЖУМА 4

OTZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иклим»
7.05 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Олтин тулпор дуоиба-ди». Т/с.
9.15 «Изхор».
9.20 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.25 «Ака-ука Гримм эр-таклари». М/с.
9.45 «Шифокор қабулида».
10.10 ТВ анонс.
10.15 2008 йил - Ешлар йили. «Тайлима эътибор - келажакка эътибор»
10.35 «Бекат».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Хаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Юртим буйлаб» да-стури: «Фаворалар».
12.00 «Ассалом, Ўзбеки-стон»
12.50 «Иклим».
12.55 ТВ анонс.
13.00 «Мухаббат ва эҳти-рос». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олтин мерос».
14.25 «Олам ва одам» да-стури: «Фантастик ҳайвон ов-лечилари».
15.15 «Минг бир ривоят».
15.20 «Мукддас қадамжо-лар».
15.40 «Оталар сўзи - ақл-

нинг кўзи».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатла-ра га шарҳ.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртақлар - яхши-ликка етаклар».
18.10 «Олтин тулпор дуо-ибади». Т/с.
18.50 «Зиё» студияси: «Эти-қод муҳаббатимга йўлида».
19.15 «Оханглар оғушида».
19.30 «Ахборот». /рус /.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 «Хаёт синовлари».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Янги наволар».
21.55 «Мухаббат ва эҳти-рос». Т/с.
23.00 «Кўшигимсан, му-хаббат». /SMS/.
23.15 «Икки тақдир». Т/с.

7

13.00 «Давр».
13.10 «Ешлар ва тарих».
13.50 «Зулфия издошлари».
14.00 «Чорраха». Т/с.
14.30 «SMS-музыка».
14.40 «Малайзия». 2-қисм.
15.00 «Давринг боласи».
15.10 «Мультпанорама».
15.35 «Болалар табассу-ми».
15.40 «Мароқли геология».
15.55 «UzEX хабарлари».
16.00 «Давр».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Жаннат улкам».
17.00 «Ешлар майдоии».
18.00 «Миздақхон».
18.10 «Август». Т/с.
18.45 «Мулки мумтоз».
19.00 «Давр».
19.30 «Июн оқшоми». Т/с.
20.20 «Сўнмас юлдузлар».
20.40 «Ешлар навоии».
21.10 «Жумонг». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Шарқ дарвозаси».
22.35 «SMS-музыка».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.

18.50 «Эсмеральда».
19.25 «Музыка SMS».
20.00 «Пойтахт» ахборот да-стури/рус/.
20.20 «Милгарос»
20.50 «Репортаж» /рус/.
21.00 «Жозоба».
21.30 «Пойтахт» ахборот да-стури.
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Маърифат фидойи-лари».
22.30 «Пойтахт» ахборот да-стури /рус/.
22.45 «Кино SMS со звезда-ми»
22.50 Кино: «Приключения итальянцев в России».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тил)
8.25 «Малахов +»
9.30 «Хабарлар» (узб. тил)
9.50 Серил «Татьянин день».
11.20 Волейбол. Мировой Гран-при. Германия - Бразилия.
12.00 «Секрет камней». Д/ф
12.25 - 13.10 Бокс. С. Жа-сон хотира турнири.

18.00 Болалар спорти.
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Музыка тайм».
19.10 «Тақдир чизилари».
19.30 «Шижоат майдоии».
20.30 «Бизнес-ревью».
20.40 «Братья». Серил.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Теннис. Уимблдон тур-нири.
23.25 «Дрейф». Х/ф

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасси-га ухшаши йук» 172-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил «Соф му-хаббат» 24-серия
10.20 Ўзбек наволари
11.00 Мировые хиты
11.30 «Никита» худ-фильм
13.20 Ўзбек наволари
15.00 Серил «Жасси-га ухшаши йук» 172-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Премьера» (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Серил «ЖАССИ-ГА УХШАШИ ЙУК» 173-серия
19.00 Серил «Хонаки эркак» 1-серия
20.10 Ўзбек наволари
20.30 «Тунлар муборак»
21.30 Серил «24 часа»
22.20 «ПАРК ЮРКОГА ПЕРИОДА» худ фильм
00.40 Миксер

11.25 «Агент национальной безопасности»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.00 Новости
14.15 «Нечистая сила»
15.00 «Огонь любви».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.20 «Пусть говорят»
18.50 Поле чудес
19.00 «Принцесса цирка».
20.00 Время
20.25 Юбилейный вечер Эльдара Рязанова
22.30 Лия Ахеджакова, Анд-рей Мягков, Светлана Немо-ляева, Валентин Гафт в ко-медии Эльдара Рязанова «Гараж»
0.10 Софи Лорен в филь-ме «Ключ»
2.00 Время
2.25 Фильм «Ключ». Про-должение
2.45 Мэг Райан в триллере «Темная сторона страсти»
4.30 «Детективы»

PTP

4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.55 «Мой серебряный шар. Веду-щий - Виталий Вульф».
8.50 Александр Дедушко, Ольга Кабо, Сергей Махови-ков, Александр Песков, Ари-старх Ливанов и Владимир Конкин в телесериале «Сар-мат».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 Александр Дедушко, Ольга Кабо, Сергей Махови-ков, Александр Песков, Ари-старх Ливанов и Владимир Конкин в телесериале «Сармат».

11.40 «Популярная наука».
Документальный серил (Великобритания).
12.45 «Ну, погоди!». «Дру-жок». Мультфильмы.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКВА.
ТЕЛЕКАНАЛ «БИБИГОН» ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
13.40 «Тайна третьей плане-ты». Мультфильм.
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.05 «Женщина без про-шлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Теле-серил.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБ-ЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, ма-лыши».
20.00 «Юрмала». Междуна-родный фестиваль юмори-стических программ.
21.50 ПРЕМЬЕРА «Как най-ти мужа?»
22.45 Андрей Панин, Миха-ил Пореченков, Мария Зве-нарева и Зоя Буряк в детек-тиве «Трио». 2003г.
0.50 Остросюжетный фильм «Черная дыра» (США). 2005г.
2.35 «Дорожный патруль»
2.50 НОЧНОЙ СЕАНС. Дан-ни Де Вито и Грегори Пек в комедии « Чужие деньги»
4.30 «А».

11.25 «Агент национальной безопасности»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.00 Новости
14.15 «Нечистая сила»
15.00 «Огонь любви».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.20 «Пусть говорят»
18.50 Поле чудес
19.00 «Принцесса цирка».
20.00 Время
20.25 Юбилейный вечер Эльдара Рязанова
22.30 Лия Ахеджакова, Анд-рей Мягков, Светлана Немо-ляева, Валентин Гафт в ко-медии Эльдара Рязанова «Гараж»
0.10 Софи Лорен в филь-ме «Ключ»
2.00 Время
2.25 Фильм «Ключ». Про-должение
2.45 Мэг Райан в триллере «Темная сторона страсти»
4.30 «Детективы»

ШАНБА 5



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Иклим»... 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.50 «Иклим»... 19.30 «Ахборот» /рус/...

ЭЪЛОНЛАР. 19.30 «Ахборот» /рус/. 20.00 ТВ анонс. 20.05 «Олтин мерос»...



7.00 «Давринг боласи» 7.10 «Мультипанорама» 7.30 «Табдил тухфаси»... 12.00 «Жумонг» /т.с./... 19.30 «Ахборот» /рус/...


18.00 «Камолот» 18.10 «Хаёт қадри» 18.30 «Каталог» 18.40 «Мулки мумтоз»... 19.30 «Июнь оқшоми» /т.с./... 23.00 «Хаёт тумори» /б.ф./



7.30 «Салом, Тошкент!» 8.30 «Эсмeрaльда». Телесериал. 8.55 «Телекурьер-маркет»... 19.30 «Пойтахт» ахборот дастури... 23.00 «Хаёт тумори» /б.ф./



8.00 «Хабарлар» (узб. тил) 8.20 «Бодрое утро» 9.20 «Соғлом оила»... 19.00 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «КУРУВЧИ» - «МЕТАЛЛУРГ»... 23.50 X/ф «Медвежатник» 1-қисм.



07.00 Ўзбек наволари 08.30 Мировые хиты 09.30 «Парк Юрского периода» худ. фильм... 17.40 Ўзбек наволари

19.00 Prime time (узб) 19.20 Ўзбек наволари 20.30 «ТОП-10» 21.05 Ўзбек наволари... 00.20 - 02.00 Другая музыка



5.00 Новости 5.10 «Галина Брежнева». 1-я серия 5.50 Фильм «Весенние грозы»... 17.00 Вечерние новости (с субтитрами) 17.15 Концерт Софии Ротару... 19.00 ВЕСТИ.



5.00 «Доброе утро, Россия!» 6.30 «Студия Здоровье» 7.00 ВЕСТИ. 7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ... 19.00 ВЕСТИ.

ЯКШАНБА 6



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Иклим»... 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.50 «Иклим»... 19.30 «Ахборот» /рус/...


20.05 ТВ анонс. 20.10 «Оҳанрабо» 20.50 «Минг бир ривоят»... 22.35 Жаҳон киноси дурдоналаридан: «Зулматдаги раққоса».



7.00 «Шум бола» /б.ф./ 8.30 «Сунмас юлдузлар» 8.50 «Қадрдон қўшиқлар»... 12.00 «Жумонг» /т.с./... 19.30 «Ахборот» /рус/...



7.30 «Салом, Тошкент!» 8.30 «Эсмeрaльда». Телесериал. 8.55 «Телекурьер-маркет»... 19.30 «Пойтахт» ахборот дастури... 23.00 X/ф «Медвежатник» 2-қисм.



11.50 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «Насаф» - «Нефтчи»... 18.00 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «СҮҒДИЕНА» - «ПАХТАКОР»... 19.00 Prime time (узб) 19.20 Мировые хиты... 23.50 Миксер

5.00 Новости 5.10 «Галина Брежнева». 2-я серия 5.50 Татьяна Пельтцер, Евгений Евстигнеев в фильме «Примите телеграмму в долг»... 19.00 ВЕСТИ.



11.10 «Фазенда» 11.45 Андрей Федорцов, Виктор Бычков в комедии «Четыре таксиста и собака 2»... 19.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ. 20.05 «Специальный корреспондент»... 23.40 «ХА». Маленькие комедии.



5.00 Алексей Грибов, Михаил Названов, Сергей Филиппов и Марина Стриженова в фильме «Гуттаперчевый мальчик». 1957г. 6.30 «Сельский час»... 19.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ. 20.05 «Специальный корреспондент»... 23.40 «ХА». Маленькие комедии.



- Бу ҳодимларимиз кечаси футбол бўйича Европа чемпионати тўйинларини қўришган...


Кўёв:-Келин-кўёв, қайнона-қайноталар танишиши учун йиғилган эканмиз, бир қадахдан кўтарайлик.

Рассом - А. Ҳақимов


Изоҳга ҳолат йўқ



Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratigiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!



Eldor HABIBULLAYEV.
Qoraqalpog'iston Respublikasi,
Ellikqala tumani, Bo'ston shahri.



Ruxsora UZOQOVA.
Sirdaryo shahridagi 1-maktabning
6-sinf o'quvchisi.




TOSHKENTIM
O'zbekning oltin devor koshonasi sen,
Dunyo xalqlarining afsonasi sen,
O'zbekiston kuyining sadosisan sen,
Ey ona diyorum go'zal Toshkentim,

Mushtarak ko'ngillarda adog'ing yoqdir,
Farzandlaring qalbida ardog'ing ko'pdir,
Dushmanlaring ko'ziga sanchilgan o'qdir,
Ey ona diyorum go'zal Toshkentim.

Yurtimning yuragi, tumori o'zing,
Har shahtam tashlagan qadamim o'zing,
Har yon borganimda yodimda ising,
Ey ona diyorum go'zal Toshkentim.

Zabardast o'g'loning hirmoya qilgay,
Musaffo osmoning nurlarga to'lgay,
Dovrug'ingni butun olamlar bilgay,
Ey ona diyorum go'zal Toshkentim.

Nargiza URALOVA,
Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek
tumani, 248-maktabning
9 «A» sinf o'quvchisi.



Muhlixa HAMROQULOVA.
Toshkent viloyati, Parkent tumani,
26-maktabning 4 «B» sinf o'quvchisi.

ONAMGA
Onalar oyog'i ostida jannat,
Onalar omon bo'lsin har doim, har vaqt.
Onalar poyiga tashalsin gullar,
Onalar azizdir ona mo'tabar.

Baxtinga sog' bo'lsin azizim onam,
Yonimda bor bo'lsin har doim, har dam.
Munisim, yagonam, azizim onam,
Baxtinga sog' bo'ling har doim, har dam.

VATAN
Vatan sening bilan oboddir elim.
Vatan sening bilan yashnaydir dilim.
Sen borsan vatanim ko'nglim shod mening,
Hamisha gullab, yashnayver elim.

LOLA
Tog'da o'sadi lola,
Odamlardan uyola.
Bunchalar ham go'zaldir.
Bizning go'zal gullola.

Chiroyda ham tengi yo'q,
Qizil yanoq misli cho'g'.
Uzay desam uzgim yo'q,
Buncha go'zal bu lola.

Hamma unga shaydodir,
Hamma ismin aytadir.
O'shal go'zal lolaga,
Onajonim shaydodir.

Doniyor ABDURAZZOQOV.
Qoraqalpog'iston Respublikasi,
Ellikqala tumani, Bo'ston shahri.

Robiya MADAMINOVA.
Andijon viloyati,
Marhamat tumani,
35-maktabning 7
«B» sinf o'quvchisi.



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

КОМПЬЮТЕР НИМАЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН?

Одатда компьютер турли асосий элементлардан ташкил топган бўлади. Булар: марказий процессор, ҳарфлар ва рақамлар жойлаштирилган клавиатура, дисковод, сичқонча, CD-ROM ҳамда DVD (рақамли ҳаракатчан диск) ларни ўқиш воситаси ва график картадан иборатдир. Булардан ташқари компьютерга яна кўллаб бошқа қўшимча воситалар ҳам ўрнатиш мумкин. Жумладан: микрофон, оптик (лазерли) қалам, сканер, динамик, овоз колонкалари, ёзувни қоғозга босиб чиқарувчи қурилма(принтер) кабилар ўрнатилса, компьютерни ишлатиш осонлашади ҳамда ундан кенг мақсадларда фойдаланиш имконияти сезиларли даражада ортади.

Аслида компьютернинг "миyasi" сифатида унинг ишлашини таъминлаб берувчи барча асосий воситалар ўрнатилган марказий процессор қаралса-да, бошқа қўшимча воситалар ҳам жуда зарур. Улар-сиз марказий процессорда мавжуд бўлган маълумот ва ахборотларни чиқариш ҳамда олишнинг имкони бўлмай қолади.

КОМПЬЮТЕРНИНГ "МИЯ"СИДА НИМАЛАР БОР?

Марказий процессорнинг асосий элементларидан бири ахборотни сақлаш қурилмаси бўлиб, мавжуд маълумот ва ахборотларни сақлаш унинг асосий вазифаси саналади. Бу қурилма икки қисмдан иборат: биринчиси, **RAM** хо-



тира(эркин фойдаланиш мумкин бўлган хотира); иккинчиси, **ROM хотира**(доимий хотира). RAM хотира компьютер ишлаб турганда фаолият кўрсатса, ROM хотира эса у ўчирилганда ишлайди. Марказий процессорда ахборот дастурлари ва командаларни бажариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифасини бажарувчи назорат қурилмаси ёки микропроцессор мавжуддир. Булардан ташқари, маълумот ва ахборотларни сақловчи қаттиқ диск, микропроцессорни бошқа қурилмалар билан боғлаб берувчи қурилма — BUS, компьютер экранда пайдо бўладиган тасвирларни ҳосил қилувчи график қурилма ҳам мавжуд.

КОМПЬЮТЕРДА МАЪЛУМОТ ҚАНДАЙ САҚЛанаДИ?

Биз компьютерга киритадиган ахборот ва маълумотлар унинг таркибий қисмларидан бири бўлган хотирада сақланади. У худди инсоннинг эслаб қолиш қобилияти сингари биз унга юборадиган барча нарсаларни, бажарилган барча операцияларни ва олинган натижаларни эслаб қолиши сабаб шундай номланган. Фақатгина фарқли томони шундаки, нималардан бизнинг хотирамиздан чиқиб кетиши, унутилиши, аралашиб кетиши мумкин. Компьютерда эса улар қандай сақланган бўлса, шу ҳолида ва доимий равишда туради.

Хотира компьютернинг ичида жойлашган бўлиб, қаттиқ диск деб номланади. Гарчи унинг ҳажми жуда катта бўлса-да, бир кун келиб у тўлиб қолиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун битта восита бор: маълумот ва ахборотларни, улар компьютер хотирасида жой эгаллаб тур-



маслиги учун дискетага кўчириб бориш керак. Керак пайтда эса биз дискетани компьютерга қўйиб, тегишли командани берсак, зарур маълумот ва ахборотни яна ўқиш ва олиш имкониятига эга бўламиз.

ВИРТУАЛЬ БОРЛИҚ НИМА?

"Виртуаль борлиқ" атамаси илғор технологияларга тааллуқли бўлиб, унинг воситасида бизни ўраб турган борлиқдан фарқ қилувчи борлиқни яратиш ҳамда ўтирган жойдан қимирламай унинг ичига тушиш мумкин. Биз компьютер олдида жилмаган ҳолда бошқа жойларга, ҳатто аслида мавжуд бўлмаган шаҳар ва мамлакатларга ҳам сайр қилишимиз имконияти бўлади. Виртуаль борлиққа эришиш учун ахборот ва электрон мосламалардан, жумладан, тактил қўлқоп, махсус кўриш мосламаси (кўзойнаги) ва бошқалардан фойдаланилади. Улар бизга борлиқни уч ўлчамда ҳис этиш ва кўриш, ҳис этиш ҳамда эшитиш орқали у билан муносабатга киришиш имконияти беради.

РОБОТ ҲАКИДА

"Робот" сўзи ilk бора 1928 йилда чехиялик ёзувчи Карел Чапек томонидан қўлланилган эди. Бу сўзни у биринчи марта "RUR" ("Россумнинг универсал роботлари") пьеса-сида ишлатади. Олимлардан бири томонидан инсон бажара оладиган барча ишларни бажариш учун яратилган машина шундай номланар эди. Америка космик агентлиги (НАСА) томонидан яратилиб, кинотга учирилган ва 1976 йилда Марс сайёрасига қўнган Викинг зондлари инсоният тарихидаги энг машҳур роботлар сирасига киради.

ОПЕРАЦИЯ ТИЗИМИ НИМАЛАРДАН ТУЗИЛГАН?

Операция тизими компьютернинг ички элементларидан бири бўлиб, у назорат дастуридир.



Операция тизимининг асосий вазифаси компьютернинг асосий таркибий қисмларининг ишлаш тартибини билмай туриб ҳам уни тушуниш ва ишлата олишга кўмаклашишдан иборат. Айнан операция тизими мавжудлиги боис ишлатувчилардан компьютердан фойдаланишда информатика соҳасида махсус билимларга эга бўлиш талаб этилмайди.

ДАРМОН тайёрлади.

Ошни дамлаб бўлгач, бўғриқиб кетган Барно ошхона деразасини ланг очиб юборди. Димикқан ошхонага муздеккина баҳор шабадаси уфуриб, у кўксини тўлдириб нафас олди. Шундоққина дераза тагидаги шафтоли маржон-маржон гулларга бурканганини энди кўргандек "вуй-й!" деб юборди. Анави олмалар-чи, чаманга айланибди. Нақадар гўзал!

Худди кечагидек кўз ўнгида, эсдан чиқармади?! Энг бахтли, беғам, беташиш кунлар эди. Эри юк машинаси хайдарди, бир кун қок пешинда икки бойлам кўчат олиб келди. "Намозшомдан кейин экамиз", деб илдиизига тупрок тортиди-да, шошиб яна ишга кетди. Уша кун Барно ниҳолларни ушлашиб турди. Эри эқди. Шивалаб турган ёмғир бирдан жадаллашди-да, иккови

тўғрими? - Барно қизининг кўзига ўқрайиб хавотир билан тикилди.

- Вой, намунча хуноб бўласиз, келганда, ўзи бир айланиб, ол, ош совумасин, болам, - хола вазиятни юмшатмоқчи бўлди.

- Ойи, бунийиз йиғлаган, кўзига қаранг, уйдан бир гап ўтганга ўхшайди, юрагим сезиб турибди.

- Ростми, Шахло-онам, ўзингча келдингми, ё оинг билан уришиб қолдингми? - Карима хола безовталаниб ўтиролмади қолди.

Шахло ерга боққанча пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

- Ана, билувдим-да, ўзи кириб келиши бошқача эди, - Барно туюқиб қўлини артди, иштаҳаси хиппа бўғилди, ош ошда қолди. Хола ханг-манг бўлганча Шахлога термудди.

бозор билан ҳеч қаяққа бормайман!" дедим.

Роса жаҳлим чиқди, Ойим, майли - ойим! Ҳа, буларга нима бор! Кўчада кўрганлар нима деб ўйлашди, бир машина тўла бола! Қуй-чув, йиғлашган, пуфак талашшишган, кошки бир мундоқ гапга тушундиган болалар бўлишса, булар ҳам майли, Раззоқ акам иштонлари кир Саид мишиқини эркалаб-эркалаб, тиззаларига ўтказиб олдилар, ҳали юзидан ўпадилар, ҳали кўзидан. Улуғбекка қарамайдилар ҳам. Ушалар бўлса, бўлди!

Э! Бор-е, дедим-у, айнадим. "Улуғбекнинг уйқуси келиб қолди, ман бормайман", деб баҳона қилдим-у, ичкарига кириб кетдим. Шундоқ яхши, беозор деган қувёнгиз ҳам бир оғиз "юр" демай, "ўзинг биласан", дейди. Машинани

Турмуш чорраҳаларида

- Ошдан тез-тез бирикки ошам ол-да, тура қол, - деди Барно катъий оҳангда. - Ойи, бола-сини ушлаб туринг, ошдан еб олсин, бўл, имиллама, - Барнонинг юраги сиқилиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди.

- Қаяққа?! Емайман! Ош ўтадимми, қизиксиз-а, - Шахло ҳам жеркиб берди.

- Борса боравермайдимми болалар, сан кўтариб юрармидинг, машинада боради, машинада келади, овсинингнинг қулогига етса, яхшимас... Улар қайтгунча буюққа келганингни билдирмай етиб ол. Туя кўрдингми, йў! Ҳеч нима бўлмагандек қош-қовоғингни очиб, ўйнаб-қулиб юравер. Азраб ўтирма. Бу уйдан нилалар ўтмайди, қизим.

- Э, бормайман, тушунаясизми?

- Вой, гапини қанранг!

- Битта косага ошдан солиб, устига иккита қулча қўйиб бера қолинг, уйда ейишар, - деди Карима хола соддалигига бориб.

- Қизиксиз-а, ойи, ахир, бу ёққа келганингни ҳеч ким билмай қўя қолсин, деб турибман-ку, ош олиб борса билмай қолишди-ку, ўртада гап чувалашиб ўлмайдимми!

"Шуни билгани билган, шунга фаросатим етмас нима қилай?" У келинига мамнулик билан тикилди: "Тўғри айтасиз".

Барно айвон панжарасига ўтириб олган қизига насиҳат қила бошлади: "Ўзим-чи, бўлар бўлмасга уйига чопадиган қизларни ёмон кўрадиган, энди ёмон кўрган олдимга келмасин, тушундингми, эс-хушингни йиғ, келганингни ҳеч кимга айтма, улар қайтгунча уйингга бориб ол, мабодо қайтишган бўлса, Улуғбекни айлантириб юривдим, дегин. Ўз қўйганим ўзимга етмасмиди, энди санки қўшилдимми? - у неварасини ўпиб-ўпиб хумордан чиқандек бағрига босди-да, қизига узатди: - ёмон кўздан асрасин, жуда кўзга яқин бўпти.

Шахло орқасидан итаргандек ноилож дарвозадан чиқаркан, ҳали ҳам жаҳдан тушмаган, ҳали ҳам чиройи очилмаган, йиғидан ўзини аранг тутиб тутарди.

- Йиғлаб чиқиб кетсанг, манга татирмиди, ичимни ит тирнаб ўтирайми? - деди Карима хола.

- Уф! - деди Шахло ноилож қадам босаркан.

СИНОВЛИ ДУНЁ

бир-бирини қувалаб айвонга қочишди.

Вой-бў! Шунгаям ҳа-хув деб ўн саккиз йил бўлибди. Умр ўтишини қаранг. Бевақт ўлиб кетаркан, бу олмалар ўзидан ёдгорлик бўлиб қолишини билгандек... Агар ҳаёт бўлганда ўғил кўришармиди, бир армони шу, ўғил кўрмади, икки қизга термулиб умр ўтиб бормоқда...

Барно рўмоннинг учига кўзини артиб қўйга пўчок тўғраётган қайнонасига назар ташларкан, унга ачиниб кетди. Назарида, у сўнгги пайтларда букчайиб, юзини ажин тўрлари қоғлаб, елкалари ингичка тортиб кетган эди. Унга осон тутиб бўлмайди. Пахлавондек ўғлидан айрилиб гўё аламини шу қўйлардан олиб овунади.

- Ҳаёт бизга хасислик қилди! - дейди у Барно билан хасратлашиб ўтирганда.

- Мен-ку, эрсиз ўтдим, ҳа, уруш кўпга келган тўй дердик. Уруш озмунча одам ёстигини қуритдимми! Эҳ-хе, у кунларни энди ҳеч қимнинг бошига солмасин. Ҳозир тинчлик кунларида сиз ўғлим билан кўша қариб юрсангиз нима эди...

Карима хола айвонга чиққач, у ошни сузиб келди. Она-бола энди икки ошамдан ейишган ҳам эдики, дарвоза гийқиллаб очилиб, боласини баррига босганча ўтган йили узатилган Шахло кириб келди.

- Вой, онагинанг ўргулсин, вой қоқиндиқ, қайнонанг яхши кўраркан, ош устидан чиқдинг, ке, кела қол, - Карима хола пилдираб бориб набирасини бағрига босди-да, айланиб-ўргулиб эварасини кўтариб эркалай бошлади: - Вой, тойча бўлсайиз ўргулай, вой асал бўлсайиз ўргулай, ўзимнинг шакарим, оҳ-оҳ, новвотим!

- Нега бевақт келдинг, тинчликми, ўзи? - ажабланиб Барно қизининг синиққан рангига термулиб, - Кудаларимиз соғомон юришибдими? Қувёнинг ишлари яхшими?

Шахло қовоғини солиб, ерга қаради, индамади. Барно ҳамон қизидан кўзини узмасди. Ҳаммалари ўтиришди. Хола дуога қўл очди: - Қўшганинг билан кўша қаригин, ували-жували бўлгин...

- Сан бежиз келмагансан, бир гап борга ўхшайди, янганда келиб-кетувдинг, ҳафта ўтмай санга руҳат беришмайди,

- Гапирсанг-чи, - деди Барно хонтахтага кафтини шапатиллаб, - мум тишлаганмисан, гапир!

- Ҳой, келин, намунча туюқма-сангиз, секинроқ, қўшнилар бора, - гапираркан, онам, гапираркан. Онангни хуноб қилма.

- Ўзим... келдим... шунчаки...

- Сираям-да! Ўзингча келсанг йиғлайсанми, ўйнаб-қулиб кириб келмайсанми эшикдан!

Шахло бошини хиёл кўтарди.

- Эрталаб қувёнгиз билан келишувдик, - деди ерга боққанча дастурхон попуғини химариб, - кечкурун сани ёшлар боғига оборама, айланиб келамиз, дегандилар... - Шахло айтаверайми, дегандек ўйлаб қолди, кейин бувисининг хавотирли кўзига кўзи тушди.

- Кейин-чи? - деди сабри чидамай Барно.

- Кейин... кечки томон шошиб ишдан келдилар, машинани артиб-суртиб ярақлатдим. Улуғбекни чиройли қилиб кийинтириб чиқсам, "Ойимни чақир", дедилар. Ойим аввалга: "Бормайман, ўзинглар бораверинглар", дедилар. Боргилари йўқ эди. Раззоқ акам бўлса: "Йўқ, ойижон, сизсиз ҳеч қаяққа бормаймиз", деб туриб олдилар. Худди ёш болага ўхшайдилар. "Ойим борсалар-борамиз, бормасалар йўқ", эмиш! Кўрдингизми?!

Шахло ўзини тўтолмай хўнграб-хўнграб йиғлар, ҳеч нарсга тушунмаган Улуғбек бувисининг қўлида қийқариб, жажжи қўлчаларини чўзиб, онасига талпини, Карима хола неварасининг гапларининг магзини чақаркан, қўли билан ошининг сабзисини эзиб-эзиб Улуғбекнинг оғзига соларди.

- Бормайман, деяптилар, бўлди-да, ўзраб нима қиласиз, ўзимиз борайлик, десаам қолдим балага, сал қолди-я, уриб юборишига, расво! Онасиз бир қадам юролмайди! Ҳа, майли, ойим борсинлар, отланиб чиқдилар ҳам, бир пайт қарасам, овсинининг тўрттала чурвақасини етаклаб чиқапдилар-а, энсам қотиб кетди, тавба, бозор! "Ман бунақа



ғизиллатиб кетишди-қолишди. Одамга алам қиларкан-да.

У ҳамон хўнграб йиғлар, ўзини босиб ололмасди.

- Бир ўзим қолавердим, алам қилганидан ўтиролмади келавердим. Бўлди! Тамом! Бормайман ўша хонадонга! Овсини яйрай қолсин!

- Бекорларни айтибсан! Бормасмиш! Бори шуми? - деди Барно бироз ўзини босиб, - ман жанжалли иш бўптимми, дебман.

- Овсининг уйдаими? - Карима хола нафаси тикилиб, кўкрак тугталарини еча бошлади.

- Йўқ, сменга кетган, уйда ҳеч қим қолмади.

- Унда бекор келибсан, қизим, - Карима холанинг қошлари чимирлиб, ўртасига тугунча тушди. - "Ёшлар боғи"да қайнонанга нима бор! Тавба-ей, ҳайронман. Ойинг ўзи бачкана хотин, кўп синадим.

қадам босаркан.

Карима хола кўчанинг бошигача Шахлони кузатиб борди, нимчасининг ички чўнтагидан пул олиб неварасининг қўлига қистирди. - Таксида кета қол, - у ҳам Шахлони, ҳам Улуғбекни кўксига босиб хайрлашди: - Булар-бўлмасга сиқилма. Ярим жоним санда, ўйлаганим ўйлаган. Майли, қайда бўлсанг ҳам олтин бошинг омон бўлсин, ушатга меҳр қуй, - Карима хола дам Улуғбекни эркалар, дам Шахлони юзларидан ўпиб хайрлашарди. То узоқлашиб кетгунча ортидан термулиб турди.

Кўча бошида эса Барно қайнонасининг оғир-вазин қандам ташлаб келишини синчков кузатаркан, унинг қадамлари шундоққина эрини эслатарди.

Муҳаббат ТУРОБОВА

(Боши 12-бетда)

Бир-икки бор шароит ҳам бўлди, нимадир бўлиб режаси чиппака чиқарди. Мукофотнинг бир учидан умидвор бўлиб дил бириктирган ёрдамчи ҳамшира ва укаси шай туришарди. Шундай кунларнинг бирида мулойим, кўрнинишдан соддагина Лазиза "вой-вой" лаб кириб келди. Лекин кечага бориб дарди тарқаб кетгач, эри уни қолдириб, тонггача яхши қараб туришларини илтимос қилиб уйига кетди. Ойзода кўзи пишиб кетган, Лазизанинг ҳомиласи эгизак экан-

ЭНГ ОФИР ГУНОХ

лигини дарров пайқади. "Агар иккаласи ҳам ўғил бўлса..." бу хиёнаткорона фикр уни хушёр тортирди, шерикларини ҳам огоҳлантирди.

Бир яхшининг, бир ёмоннинг ишини ўнглар экан: Лазиза худди кутилгандек икки ўғилни туғиб, яна айни зарур пайтда хушдан айрилди. Ташқарида пойлаб турган ҳеч қимиси йўқ. Ойзода иккинчи болани ўша заҳоти ҳамширага узатиб

имлади, эшик ортида турган укаси қўлидаги чойшабга уради-да, ўқдек учиб чиқиб машинасига ўтирди. Йўл-йўлакай сим қоқди: "Тез этиб келинглари, бола тап-тайёр!"

Лазиза қон қақшарди:

- Дадаси, бу ерда бир гап бор, эгизаклар эди, эгизак!

- Лекин, бехуш ётган эмишсан...

- Иккаласи ҳам тугилганда шундай бўлди, аниқ била-

ман, уларга ишонманг. Ё ўлигини, ё тиригини кўрсатишин, айтинг!

- Бунчалик бўлса, тинч кўярмидим. Сен хавотир олма, банисасини ағдар-тўнтар қилсам ҳам тагига етаман!

Чинданам, шифохонада тўпалон бошланди. Бунақа гап ерда ётармиди - бир пасда чўлда ғала-говур ёйилиб, одамлар ёқа ушлашди.

- Ойзода одаммас экан, энг оғир гуноҳни қилибди, яна аёл була туриб. Доя болафурушлик қилса-я.

Набираларим айтувди, туркларнинг бир киносида иккита

оила болаларини алмаштиришармиш.

- Э-э, қўйиб тур ўша сериалларингни! Бошимга тук чиқиб бунақасини эшитмаганман.

- Охир замонни дейман, диёнат ҳам қолмабди, - деди оқсоқоллардан бири, гўё хулоса қилгандек.

- Ойзода ни мелиса олкетганмиш, қилмишига яраша жазо олади энди.

- Ҳа, барибир адолат қарор топди. Ҳасаннинг Ҳусанини ҳам топиб келишибди, икки томчи сувдек ўхшаб эмишлар...

Гулчехра АСРОНОВА, Фарона.


Рухият сирлари

вақтингизни қизганманг. Одам ўзини қанчалик яхши ҳис этса, унинг ишчанлик қобилияти ҳам шунга мос тарзда ортиб, кўпроқ нарсани бажаришга муваффақ бўлади.

БОР ОВОЗДА БАҚИРИШ
Аммо шундай ҳолатлар бўладики, бақириш бир марталиқ, мажбур чордифлатида яхши самара бериши мумкин. Мана улардан айримлари:

1. Чақирик бўйича тезда етиб келишга шошилмаётган "Тез ёрдам"ни ҳаракатга келтиришга, хонадонда қувур тешилгани боис сизнинг ўйингизга сув тошиб кетаётганига беэтибор бўлган юқори қаватдаги қўшнилари салгина қимирлаб қўйишга мажбур этишда бақириш жуда яхши ва самарали восита саналади.

2. Баъзи ҳолларда бақиришчақириб тўлиқ ожизлик ва ёрдамга муҳтожликни акс эттирса, сизнинг қайсидир муаммоларингизни ҳал этишда ёрдамини тегиши мумкин бўлган, маъсул ҳисобланган одамларнинг кўнглини юмшатиши мумкин. Чунки баъзи кишилар билан мулоим гаплашсангиз, бундан сизни сарсон-сарғардон қилиш, масалангизнинг ечимини асоссиз равишда ортга суриш учун фойдаланишди. Улар учун олдиларига мурожаат билан келган одамларга кўпол муомалада бўлиш, бақириб гапириш одатий ҳол ҳисобланади. Агар сиз ҳам уларга худди шу тарзда жавоб қайтарсангиз, қаршисида ўзи сингари одам турганини ан-



БАҚИРИШ СОҒЛИҚҚА ЗАРАР

Сал нарсга жаҳли чиқиб кетадиган кишилар ҳақида "жиззаки", "жаҳли бурнининг учиди туради", каби таърифлар ишлатилади. Аммо ўзимиз ҳам баъзида ҳиссиётларимизни бошқара олмай қоламиз ва яқинларимизга, фарзандларимизга, қўл остиимиздаги ходимларга бўлар-бўлмасга бақириб берамиз. Сўнгра ўзимизни оқлаш учун: "Мени шунга мажбур қилдиларинг!" - деймиз. Баъзида эса бизнинг ўзимизга бақириб беришади. Хуллас, бориб-бориб бақириш одатга айланиб қолади.

Атрофдагиларга бақириб бериш учун исталган пайтда сабаб ёки баҳона топилади. Масалан, ишхонадаги компютерингиз яхши ишламай қолса: "Компютер тизимлари бўйича маъмурга минг марта айтгандим-а, шуларни кўриб қўйинг, деб, йўқ, айтганини қилса, асакаси кетиб қолади..." - деб захрингизни сочишдан ўзингизни тиёлмайсиз. Ёки дўконда сотувчи қайтим учун майда пули йўқлигини айтиб, сиздан йирик пулингизни бирортасидан майдалаб келишни, ёхуд хариддан воз кечишни сўрайди. Сиз эса қайтим учун майда пул бўлмайдиган бундай дўконнинг боридан йўғи яхшилигини айтиб яна асабийлашасиз. Бундан ташқари уйда фарзандлар, қариндошлар ҳам тез-тез асабингизни бузиб, бақиришга мажбур этиб туришади.

Аммо бақириб бериш учун ҳар доим ҳам атрофдагиларнинг нотўғри(сизнинг назарингизда, албатта) хатти-ҳаракатлари сабаб бўлавермайди. Қайфиятингизнинг ёмонлиги, чарчоқ, бош оғриги, асабийлик тўғриси танада йиғилиб қолган салбий энергия ҳам шунга туртки бериши мумкин. Хўш, кейин нима бўлади? Табиийки, кейин бировни ноўрин хафа қилиб қўйганимиз учун виждонимиз қийналади, узр сўрашга тўғри келади. Муносабатларни яна изга солиб олиш учун бироз вақт кетилади. Кўп ҳолларда эса биз кўнглимизда пайдо бўлган айбдорлик ҳиссини сўндириш учун бақириб берган кишимиздан хафалигимизни: "Ўзи мени бақиришга мажбур этди-да, яна хафа бўлиши ортқича", деган сўзлар билан очикчасига изҳор этамиз.

Гарчи бундай бақириб-чақиринларингиздан сўнг уларнинг оқибатини юмшатиш учун махсус бирор хатти-ҳаракат қилмасангиз ҳам улар ўз-ўзидан кундалиқ ишлар жараёнига "сингиб" кетса-да, тез-тез, бунинг устига арзирли сабабсиз овозни бандлатиш сизни атрофдагилар олдида ноқулай аҳволга солиб қўядиган нохуш одатдир. Натижада ён-атрофингиздагилар(оила аъзолари, ишхонадаги ҳамкасблар, таниш-билишлар) сизни кўрганда навбатдаги бақир-чақир билан ўзингизнинг ҳам, уларнинг ҳам асабини бузингиз мумкинлигини ўйлаб ўзларини четга оладиган бўлишади.

МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА...

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бақироклик оdatи аксарият ҳолларда қуйидаги тоифаларга мансуб кишиларда кўпроқ учраб экан:

1. Улар воғга этган оилада ўз кўнглидан ўтаётган нарсаларни айнан бақириб изҳор этиш

одатий ҳол ҳисобланган. Натижада ота-оналарнинг мана шу одати фарзандлар томонидан ҳам ягона тўғри йўл сифатида ўзлаштирилган.

2. Улар аксарият ҳолларда ўзларини ожиз, ҳимоясиз, ёрдамга муҳтож ҳис этишади. Оқибатда, ўзларига маъқул ва мос бўлмаган ҳолат ҳамда вазиятларда уларни бар்தараф этиш учун аниқ ва амалий ҳаракатлар қилиш ўрнига бақиришга зўр беришади: "Мен бу масалани ҳал этолмадим, ҳал этишни ҳам истамайман, бунинг учун менда куч ҳам, истак ва хоҳиш ҳам, қобилият ва имконият ҳам йўқ, шу боис бу ишдан воз кечаман! Ким хоҳласа, ўша одам у билан бемалол шугулланиши мумкин". Аслида эса бундай фикрнинг тагида ёрдам сўраб қилган мурожаат, ўтинч ётади.

3. Улар ўзларидан бошқа барчани бақириб турмасанг бирор нарсани тушунмайдиган ва бирор ишни эплаб бажаролмайдиган ожиз ва уқувсиз кишилар, деб билишади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундайлар мактаб

ўқитувчилари ва қўл остидаги ходимлар билан унчалик келишолмайдиган раҳбарлар орасида кўпроқ учраб экан. Аммо бу тоифага мансуб бақирокларнинг инсонлар ҳақидаги тасаввурлари фақатгина касбий фаолият билан боғлиқ бўлмайди. Яъни баъзиларга атрофдагиларга паст баҳо бериш, уларга доим ва кўп ҳолларда бесабаб бақириб туриш сўт билан кирган бўлади.

4. Улар ўзлари ҳақда атрофдагиларда кучли шахс сифатида тасаввур уйғотишга интилишади, ўзлари билан тортишиш, ади-бади айтишиш яхшиликка олиб келмаслигини ҳамма билиб қўйишни хоҳлашади. Бундай кишилар бақиришдан кўриктишининг самарали воситаси сифатида фойдаланишга ўрганиб қолишган бўлади.

5. Улар чарчоқ ва асабийлашиш боис ўзлари истамаган ҳолда овозларини бандлатишади. Бундайлар атрофдагиларга яна бесабаб бақириб берганликларини ўзлари сезмай ҳам қолишади.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ

Агар овозингизни бандлатиб гапириш, атрофингиздагиларга сабабли-сабабсиз бақириб бериш сиз учун одатга айланиб қолган бўлса, бу зарарли иллатдан қутилиш учун қуйидаги тавсияларимизга амал қилишни маслаҳат берган бўлардик.

1. Ҳаяжонингизни, туйғуларингизни ичга ютишга ҳаракат қилманг. Жаҳл, қаҳр, таассуф ва бошқа салбий ҳиссиётларни

равишда жилволаб туриш бир кун келиб "катта портлашга" - қутилмаган жанжалга айланиб кетиши мумкин. Ёки сизда асаб тизими билан боғлиқ сурункали касалликларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Бундай стрессдан қутилиш учун ишда ёки уйда овозни борича бақириш, столни ёки ёстиқни мушшлаш, идишларни полга уриб синдириш керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта.

Қуйидагиларга ҳаракат қилиб кўринг:

а) бўлаётган воқеа-ҳодисага муносабатингизни, қарашингизни ўзгартiring. Унга юзидан таассуф ва эътироз акс этган киши сифатида эмас, балки бошқа томондан назар ташлашга уриниб кўринг;

б) мавжуд муаммонинг қанчалик асабга тегишини эмас, балки нақадар муҳимлигини тўғри баҳолай билишга ўрганинг. Масалан, фарзандингиз дарсга берилган шеърни ёдламай бориши, ёки кўчада тенгдошлари билан ўйнаб кийимини ифлос қилиши ростдан ҳам даҳшатли воқеа, бақириб асабингизни бузинишга арзийдими?!

в) сизнинг асабингизга тегаётган ҳолатга четдан назар ташлашга уриниб кўринг. Биз оdatда бировни айбдор қилмоқчи бўлсак, ўз сўзимизни: "Нега бундай қилдинг?" деган савол билан бошлаймиз. Шу саволга ўзингиз жавоб бериб кўринг-чи. Бу нарсга сизга тинчланиб олиш ва муаммога "айбдор" кишининг назари билан қараш имкония-

тини беради. Шундан сўнг у билан масалани бамайлихотир муҳокама этиш мумкин.

2. Уддалай олишингизга кўзингиз етмаган "юкни" - масалани елкангизга олманг. Ўз имконият ва қобилиятингизга тўғри баҳо берган ҳолда кучингиз етмаслиги аниқ бўлган нарсалардан воз кечинг. Шунда ўзингизни ожиз ёки ёрдамга муҳтож ҳис этиш ҳолатларингиз кескин камаяди ва бу ҳақда бақириб баён этиш эҳтиёжи қолмайди.

3. Сизнинг ақлий қобилиятингиз (IQ коэффициентингиз) ва ишчанлик даражанигиз Ер курагининг бошқа аксарият барча аҳолисига қараганда анча юқори эканлигига ишонинг қийин. Мабодо атрофингиздагилар сизнинг назарингизда аҳмоқ ва дангаса бўлиб кўринишса, бунга икита сабаб бўлиши мумкин: биринчидан, сиз у қадар ҳам эътиборли эмассиз ва бутун диққатингизни шахсий ютуқ ва натижаларингиз банд этган; иккинчидан, сиз ўзингизга мос бўлмаган муҳитда ишлаяпсиз ёки яшаяпсиз, демак дарҳол ана шу муҳитни ўзгартiring чораларингиз кўриш лозим.

4. Сарфланган кучингиз ва қувватингизни тиклаб олиш учун қанча зарур бўлса, шунча ухлашга ҳаракат қилинг. Агар эрталаб уйғонишингиз осон кечмаётган бўлса, ярим кечагача телевизор кўришдан, кўнгилочлар масканларга боришдан воз кечганингиз маъқул. Дам олиш кунларини эса чин маънода дам олиш билан ўтказинг. Овқатланишдан

лаб, шунга яраша муомала қилишга ўтишади, муаммонгиз ҳам ҳал бўлса, ажабмас.

Аммо сиз босиб, камдан кам ҳолатлардагиз овозини бандлатиб гапирадиган киши бўлсангиз, тез-тез ўзгаларнинг кўпол муомаласини, бақиришларини тинглашга мажбур бўлиб қолишингиз мумкин.

Бундай пайтда қандай йўл тутиш вазиятга боғлиқ бўлади.

1. Агар сизга бақираётган киши яқин одамнингиз бўлса, ҳазил-хузул қилиб, ёки бошқача йўл билан уни чалғитишингиз ва вазиятдан чиқиб кетишингиз мумкин.

2. Агар у тинчланиб шошилмай, босиклик билан гапирадиган бўлса, ҳамма эътирозларини тинглашга тайёр эканлигини айтасиз.

3. Бир-икки дақиқага хонадан чиқишингиз зарурлигини, қайтиб келгач эса бу масалани босиклик билан бафуржа гаплашиб олишларингизни таъкидлайсиз.

4. Ишхонада ўта совуққонлик, хушмуомалалик ва босиклик сизнинг қуролингиз бўлиши мумкин. Чунки суҳбатдошингиз кўпол муомала ва бақиришларни орқали сизни ҳам асабийлаштишга, унга шу тарзда жавоб қайтаришга мажбур этишга интилаётган бўлиши ҳеч гап эмас. Унинг тузоғига тушсангиз, сиздан юқоридан турадиган раҳбарларингизга қабулнингизга келган одамлар билан кўпол муомалада бўлишингиз ҳақида шикоят қилиши тайин.

ДАРМОН тайёрлади.

(Боши ўтган сонда)

УСТКИ ҚОВОҚЛАРНИ ТОРТИШ



Бармоқларингизнинг ёстикчаларини бурун устига, кўрсаткич бармоқларингизни эса кўзнинг

ташки бурчагига қўйинг. Қаттиқ буриштиринг. Кўрсаткич бармоқлар ёрдамида кўз ички бурчакларини чаккага қарата тортинг. Қирққача санаб, сўнг бўшаштиринг.

ПЕШОНАНГИЗГА АЖИН ТУШМАЙДИ



Бармоқларингизни мушт қилиб, юзингизга шундай қўйингки, кўрсаткич бармоқларингиз қошларингизнинг ички бурчакларига ботсин. Қошларингизни то зўриқиш сезилгунча юқорига кўтаринг. Ўттизгача санаб сўнг бўшаштиринг-да, қош атрофини уқаланг.

ПАСТКИ ҚОВОҚЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАЙМИЗ!



Кўрсаткич бармоқларингизни кўз четидаги бурчакка, ўрта бармоқни эса ички бурчакка босинг. Кўзларингизни қаттиқ юминг-да, шу ҳолда қирққача санаб туринг. Сўнг кўзларингизни катта очиб, ўттизгача сананг.

Машқлар чехрангизни ёшартиради...

ЮЗ ТУЗИЛИШНИ ЎЗГАТИРАМИЗ

Кўрсаткич бармоқларингизни ёноғингизга босинг. Оғзингизни очиб, унга чўзиқ шакл беринг. Устки лабингизни тишларингизга босинг. Оғзингиз бурчаклари билан жилмайинг, сўнг бўшаштиринг. Бу ҳаракатни ўттиз беш марта бажаринг.



ЧЕХРАНГИЗ ТЕТИКЛАШАДИ

Оғзингизни очиб, чўзиқ шаклга келтиринг. Ёноқ мушакларингизнинг зўриқиши сезилсин. Кўлларингизни бошингиз узра кўтариб, танангизни сал орқага ташланг. Бўйингизни чўзиб, бошингизни юқорига кўтаринг ва шифтга қаранг. Шу ҳолатда ўттизгача санаб туринг.



ОҒИЗ БУРЧАГИНИ КЎТАРАМИЗ!

Оғзингизни очиб, уни тухумсимон шаклга келтиринг. Устки лабингизни тишларингизга жипслаштинг. Сўнг 80 марта оғиз бурчаклари билан жилмайинг.



ЮЗИМИЗНИ ЎЗГАТИРАМИЗ!

Полга ётинг. Оғзингизни очиб, тухумсимон шаклга келтиринг. Кўрсаткич бармоқларингизни чакангизга босиб, 10 марта оғиз бурчаклари билан жилмайинг.



ЛАБЛАРИНГИЗ ҒУНЧАДЕК БЎЛСИН!

Лаблирингизни куч билан тортинг. Кўрсаткич бармоқларингизни иягингизнинг пастки қисмига қўйиб, 30 лаҳза давомида куч билан итаринг.



УСТКИ ҚОВОҚЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАЙМИЗ!

Ўрта ва кўрсаткич бармоқларини чакангизга қўйиб. Терини юқорига аста кўтаринг. Бу машқни бажарётган пайтингизда тўрига қаранг. Қовоқларингизни кўтариб, сўнг уларни бўшаштиринг. Қошларингиз эса ҳаракатланмаслиги га эътибор қилинг. Бу ҳаракатни 30 марта бажаринг.



ЁНОҚЛАР ОСИЛМАСЛИГИ УЧУН!

Кўрсаткич бармоқларингизни иягингиз ўртасига босинг. Оғзингизни очиб тухумсимон, чўзиқ шаклга келтиринг. Юқорига қараб кўзларингизни энгил пирпиратинг. Сўнг устки лабингизни тишларингизга маҳкам жипслаштиринг ва шу ҳолатда ўттиз лаҳза туринг.



КЎЗ ОСТИДАГИ АЖИНЛАРНИ...

Кўрсаткич бармоқларингизни ёноғингизга босинг. Оғзингизни чўзиқ шаклда очинг. Кўзларингизни юмиб, 10 гача сананг. Сўнг кўзларингизни очиб, юқорига қаранг ва устки қовоқларингизни 1 минут давомида тез-тез очиб, юминг.



ЁНОҒИНГИЗДА АЖИНЛАР БЎЛСА...

Кўрсаткич бармоқларингизни оғзингиз бурчакларига қўйинг. Оғзингизни катта очиб, лабларингизни



гизни тишларингизга қаттиқ босиб, оғзингиз бурчаклари билан жилмайинг. Сўнг кўрсаткич бармоқларингизни оғзингиз бурчагидан чакангизга қарата босиб-босиб олиб боринг.

ЛАБ АТРОФИ СИЛЛИК БЎЛАДИ

Оғзингизни чўзиқ шаклга келтириб очинг. Ўрта бармоқларингизни устки лабингизнинг ўртасига,




номсиз ва кўрсаткич бармоқларингизни эса лабларингизнинг четига босинг. Йигирмагача санаб давомида бармоқларингизни қаттиқроқ босишга ҳаракат қилинг.

ЛАБ АТРОФИДАГИ АЖИНЛАРНИ ЙЎҚОТАМИЗ...

Оғзингизни чўзиқ шаклда очинг. Ўрта бармоқларингизни устки лабингиз ўртасига, номсиз ва кўрсаткич бармоқларингизни эса оғзингиз бурчакларига босинг. Бармоқларингиз билан лабни босиб, йигирмагача сананг.



ҚОН БОСИМИГА - ЛАВЛАГИ



Қон босимини тушириш учун қуйидаги лавлагили аралашма катта ёрдам беради. Бу аралашмани тайёрлаш учун 1 кило майда тўғралган қизил лавлагига 2 ош қошиқ шакар, 1,5 литр қайноқ сув ва икки бўлак нон қўйилади. Бу қвас хона ҳароратида 7 кун сақланади. Ушбу шифобахш аралашма кунига чорак стакандан уч ҳафта давомида истеъмол қилинади. Бу қвас қон босимини пасайтириб, хужайраларни тозалайди ва бош оғриғини тўхтатади.

ЕРҚАЛАМПИРЛИ НИҚОБ

Янги ерқалампир илдизини майда кирғичдан чиқариб, 1 чой қошиқ судда кўпчитилган хамиртуруш қўйилади. Бу ниқобни юзга суриб, 20 минутдан кейин ювилади. Сўнг бирорта крем суриб қўйилади. Ерқалампир терининг шох қаватини тез тўкиб юборишдек хусусиятга эга бўлгани учун илдизининг бўтқасини дағаллашган товон терисига ҳам боғлаш мумкин. У табиий пилинг ҳам ҳисобланади.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ДЕРАЗА ТОКЧАСИДАГИ ВИТАМИНЛАР

Сулини (овёс) ликобчага солиб, устига сув қўйинг. Икки-уч кундан сўнг ниш ура бошлаган донларни тупроқ тўлдирилган идишга экинг. Кўқарган сули поясидан кесиб олиб салатларга қўшинг. Бу айниқса қабзият ва овқат ҳазми муаммоси бор ва тез-тез зўриқишга мубтало бўлган беморлар учун фойдалидир.

БОШ ОҒРИҒИГА - ЧОЙ...

Бир чой қошиқ кўк чой, чорак чой қошиқ занжабил ва 1 чой қошиқ ялпиз қўшиб, бир стакан чой дамланг. Бу хушбўй чойни уч бўлак қанд билан ичинг.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАЁТ- ГАНЛАР УЧУН...

1 стакан сули устига 2 литр сув қўйиб, 1 соат қайнатилди. Қайнатилиш якунида сулини сувга 2 ош қошиқ қуритилган тирноқул (календула) аралаштириб юборинг-да, сузгичдан ўтказинг. Бу аралашмани чекиш ва спиртли ичимликлар ичишни ташламоқчи бўлганлар ичса ёрдам беради.

ЖИГАРНИ ТОЗАЛАШ

Чақиртиканакнинг (расторопша) уруғи яхшилаб туйилади. Сўнг кечқурун 1 чой қошиғи озроқ сув билан ичилади. Ушбу усул билан даволаниш жигарни турли касалликлардан фориғ этилади.

ҚОМАТИНГИЗ КЎРКАМ БЎЛАДИ

Бир ош қошиқ ёғсиз творог ва шунча қаймоқ аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани ўзингиз истеъмол қиладиган мева ва सबзавотлардан тайёрланган салатга қўшинг. Агар шундай энгил кечки таомдан анча вақтгача истеъмол қилсангиз, ортиқча вазнингиздан қутуласиз.

ТУЗНИ ЙЎҚОТАМИЗ

Хантал уруғи ҳовончада туйилади. 2 ош қошиғи устига 1 ош қошиқ асал ва 5 томчи эфир ёғи (дорихоналарда сотилади) қўйилади. Ушбу аралашмадан қулча ясаб оғриётган жойга қўйилади. Бу қулчадан икки ҳафта давомида хар кун ичтирмани мумкин.

ҚОН БОСИМИ ПАСАЙГАНДА...

Наъматак мевалари солиб дамланган чойдан ичиш тавсия этилади. Шунингдек, занжабил (кориандр) ва анис (имбир) зирворлари ҳам истеъмол қилинса қон босимини кўтареди.

ҚАҲВАЛИ АСАЛ

150 грамм қахва кукунини 100 граммдан асал ва сариеғ билан аралаштиринг. Бу аралашмани музлаткичда сақлаш мумкин. Ушбу аралашма хар кун 1 ош қошиғи илиқ сут билан истеъмол қилинади. Ёки ушбу аралашманинг 1 ош қошиғи судда эритилиб ичилади. Болаларга эса 1 чой қошиқдан берилди. Бироқ асал ва қахвада аллергия қўзғатувчи моддалар бўлгани учун болаларга эҳтиёт бўлиб бериш тавсия этилади.

ТУХУМЛИ КОНЬЯК

Лимон шарбатини хом тухум пўсти устига шундай қўйингки у пўчок устини қўмсин. Икки ҳафтадан кейин тухум пўсти шарбатда эриб кетади. Сўнг шарбатни сузиб олиб, 1:1 миқдорда коньяк қўшинг. Бу воситани остеопероз касаллигини даволаш учун хар кун 1 ош қошиқдан, овқатдан кейин ичилади. **ДИЛБАР ВА БАСИРА ТАЙЁРЛАШДИ.**





6 **Ёшим 48 да.** Асли тошкентликман. Маълумотим олий. Ажрашганман. Икки нафар қизларим бор. Ўзимнинг ҳовли-жойим бор. Ишлайман. Оиламни таъминлай оламан. Инсофдиёнатли, уйим-жойим дейдиган, хушфелъ эркекман. 40 ёшгача бўлган, ақли, пазанда, қизларимга оналик меҳрини бера оладиган аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Зиёд

7 **Ёшим 34 да.** Тошкент шаҳрида яшайман. Ажрашганман. Буйибастим келишган. Чиройли, чаққон, пазанда, зиёли аёлман. Икки нафар фарзандим бор. Ўзимнинг уй-жойим бор. Орасталикни ёқтираман. 40 ёшгача бўлган, фарзандсиз, ўз уй-жойига эга бўлган, тошкентлик, ўқимшили, ичмайдиган, чекмайдиган, мустақил, зиёли, мард эркек овоз берса турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Адиба

8 Асли тошкентликман. **Ёшим 47 да.** Олий маълумотлиман. Шифокор бўлиб ишлайман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Қизим бор. Ўта зиёли, одобли, оқила аёлман. Ўйдаги саранжом-саришталликни ёқтираман. 46-50 ёшгача бўлган, ўқимшили, уй-жойли, фарзандсиз, жиддий, ичмайдиган, чекмайдиган, тўғри фикрлайдиган, оғир-вазмин, одобли эркек билан танишиб, турмуш қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.

Муниса

9 **Ёшим 32 да.** Асли тошкентликман. Турмушга чиқмаганман. Олий маълумотлиман. Ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган, чиройли қизман. Орасталикни ёқтираман. Баобру оиланинг қизиман. 45 ёшгача бўлган, диёнатли, оиланинг қадрига етадиган, уй-жойли эркек билан танишиб, мустақим оила қуриш орзусидаман.
Манзилим тахририятда.

Лола

Асли тошкентликман. **Ёшим 59 да.** Аёлим қазо қилган. Хунардандчилик билан шуғулланаман. Диёнатли, меҳнаткаш инсонман. 55 ёшгача бўлган, оқила, уйим-жойим дейдиган, фарзандлари ташвишдан қутулган ёки бефарзанд аёл овоз берса, танишиб уйланоқчи эдим.
Манзилим тахририятда.

Абдулла

11 **Ёшим 45 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Олий маълумотлиман. Ишлайман. Оиламни таъминлашга қурбим етади. 40 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, оқила, пазанда, уй-жойли аёл овоз берса, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Абдуҳаким

12 Асли сирдарёликман. **Ёшим 31 да.** Ажрашганман. Ота-онам билан яшайман. Бир қизим бор. Маълумотим ўрта-махсус. Орасталикни ёқтираман. Ишлайман. Уйим-жойим дейдиган, диёнатли, жиддий, оғир-вазмин, мустақил фикр юрита оладиган, Тошкент шаҳрида ўзининг уйида яшайдиган, 45 ёшгача бўлган эркек билан танишиб оила қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.

Гулсанам

13 **Ёшим 34 да.** Ажрашганман. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Фарзандим йўқ. Ўйдаги шинамлики, саранжом-саришталликни ёқтираман. Жиддийман. 40 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам Тошкент шаҳрида яшайдиган, оғир-вазмин, ўзининг уй-жойи бўлган, оиласи ва аёлини қадрлайдиган эркекнинг севимли ёри бўлмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Зебо

14 **Ёшим 50 да.** Асли самарқандликман. Ёлғизиман. Фарзандларимнинг ташвишидан қутулганман. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Озода, ораста, пазанда аёлман. Қаерлик бўлишидан қатъий назар, аёли вафот этган, Тошкент шаҳрида ўзининг уйида яшайдиган, садоқатли, вазмин, меҳрибон эркек билан танишиб, турмушга чиқсам, дегандим.
Манзилим тахририятда.

Лобар

Асли сурхондарёликман. **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Бир ўғлим бор. Ишлайман. Келишган, саранжом-саришта аёлман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Қаерлик бўлса ҳам, ўғлимга оталик қила оладиган, оқибатли, иши тайин, оқил, ўз уйига эга, меҳнаткаш, ҳалол киши билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Шамсия

16 **Ёшим 43 да.** Асли қозоғистонликман. Миллатим ўзбек. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Келишган, замонавий эркекман. Ишлайман. Яхши пул топаман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Шахсий юк машиналарим ва "Мерседес" им бор. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 35 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам, турмушга чиқмаган, келишган, чиройли, замонавий, оқила, Қозоғистонда яшашга рози бўладиган қизга уйланиб, бахтли оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Усмонбек

Асли қашқадарёликман. **Ёшим 45 да.** Ажрашганман. Ўз уйим бор. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган, уй-жойли, ажрашган, бир қизчаси бўлса майли, келишган, жиддий, уйим-жойим дейдиган аёлга уйланиб, бахтли қилмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Амиркул

18 **Ёшим 58 да.** Ажрашганман. Бир фарзандим бор. Олий маълумотлиман. Ўз уйим бор. Тошкент шаҳрида яшайдиган, 65 ёшгача бўлган, ёлғиз, уй-жойли, меҳрибон эркек билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.

Малика

ОИЛАСИ ЙЎҚЛАРГА ҚИЙИН!

- **Ёшим 44 да.** Асли чимкентликман. Тақдир экан, аёлим билан ажрашиб кетдик. Бундай бўлишини, болаларим тирик етим бўлишини сира ҳам истамагандим. Аммо...

- **Оилангиз асосан қимнинг айби билан бузилди?**

- Ўзимга қолса шундай бўлсин, деганмидим? Лекин инсон тақдиридан сира қочиб қутула олмас экан. Оиламизнинг дарз кетишига аввало аёлим сабабчи бўлди.

- **Кандай қилиб?**

- Мен машина билан олисга юк ташиб, қатнаб, тирикчилик учун пул топаман. Шофёрлик қиламан. Бир кетсам ҳафталаб уйга кела олмай ҳам қоламан. Ўшанда қишинг қаҳратон кунларидан бири эди. Мен рейсга жўнадим. Уйда уч кун бўлдим. Йўлдан келгач, ҳовлимизнинг қираверишига қурилган онамнинг хонасига кириб, ҳолини сўрадим. Шундан кейингина ҳовли четидаги уйга, болаларимнинг олдига борар-

дим.

Шу кунни ҳам онамни кўриш учун кирдим. Қарасам, хонаси жуда совуқ. Ташқарида эса қор ёғаётганди.

Касал бўлиб қолган онам бечора эса кўрпага ўралиб ярим беҳуш ётибди. Ҳарорати ҳам баланд. Дарров пелга ўт ёқиб, чой кўйдим. Маълум бўлишича мен кетгандан буён онам оқват у ёқда турсин, чой ҳам ичмабди. Хотиним бир марта ҳам оқват бермабди, олдига кирмабди ҳам. Бу гапларни эшитиб хотинимдан қаттиқ ҳафа бўлдим. Шу-шу орамиз бузилди.

- **Кейин ажрашиб кетдингизми?**

- Ўшандан сўнг бир-биримиз билан келиша олмай қолдик. Ўша касаллик сабаб бўлдим, онам кўп ўтмай вафот этди. Мен эса хотинимни кечира олмабди. Хуллас, ажрашдик. Шукр, моддий томондан таъминланганман. Машинам бор, уй жойим етарли. Фақат мени ҳурмат қиладиган, уйим-жойим деб, рўзғоримга барака киритадиган, 35 ёшгача бўлган оқила, мулоийм, қизга уйланоқчиман.

- Асли тошкентликман. **Ёшим 51 да.** Ажрашганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Тўкин-сочин яшаш учун ҳамма шароитим бор. Моддий аҳолим яхши. Фақат ёлғизиман. Аёлим иккита фарзандли бўлганимизда мен билан ортук яшамаслигини айтди. Мен оилам бузилмаслиги учун, ҳамма чораларни кўрдим. Лекин оиламни сақлаб қололмадим. Ажрашиб кетганимиздан сўнг қаттиқ умидсизликка тушдим. Фарзандларимсиз яшашнинг ҳам қизиғи қолмади. Аммо, йиллар ўтгани сайин, ёшим ўтиб, сочларимга оқ тушди. Оиласиз эркекнинг аҳоли қийин эканлигини тушундим.

- **Тахририятга ўз ҳуфтингизни излаб келдингизми?**

- Бирор яқиним бўлсаки, совчиликка юриб, менга муносиб аёлни топса? Бошқа иложим йўқ бўлганлиги сабабли, ўзим келдим. 45 ёшгача бўлган, бефарзанд, оқила, ораста бир аёл овоз берса, оила қурсам, дегандим...

Азизлар! Ҳамма нарсангиз бадастир бўлса-ю, оилангиз бўлмаса ҳеч нарсатимайди. Ёлғизликка албатта барҳам беринг.

Ўқоридаги қаҳрамонларимиз билан танишишни истасангиз, уларнинг манзиллари тахририятда.

БАСИРА ва ТАМАРА тайёрлашди.

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нухасини топширишлари шарт. Паспортининг нухаси бўлмаган шахсларга келин ва қувёларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нухасини тақдим этишлари шарт.

Намоз вақтлари							
2008 /1429							
М / Х							
Хуфтон	Шом	Аср	Туш	Кўёш	Тонг	Июн	Ҳафта кунлари
21:34	20:04	18:04	12:26	4:49	3:09	30	Душанба
21:34	20:04	18:04	12:26	4:49	3:09	1	Сешанба
21:34	20:04	18:04	12:27	4:50	3:10	2	Чоршанба
21:34	20:04	18:04	12:27	4:50	3:10	3	Пайшанба
21:33	20:03	18:03	12:27	4:51	3:11	4	Жума
21:33	20:03	18:03	12:27	4:52	3:12	5	Шанба
21:33	20:03	18:03	12:27	4:52	3:12	6	Якшанба

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг «ТАҚВИМ» китобидан олинди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлбазлар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 18:00. Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЯ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 532. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13137
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ
1 3 4 5 6 7 8